


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2020 ЙИЛ – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2020 йил 19 август, № 174 (7676) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# СЕН — ҚУДРАТ МАНБАИ, САОДАТ МАСКАНИ, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ!

## ЭЛИ ШОД, КЎРКИ ОБОД СЎХ



***...Тепаликдан қарасангиз, дафъатан, кўз олдингизда ажиб бир манзара ҳосил бўлади: пастак булутлар ортида бунёдкорлигу кўкаламзорлаштиришлар манзилига айланган гўзал Сўх ҳарир либоси аро ясан-тусан қилаётган келинчакни эслатади.***

***Бир сафда тизилиб, чўккалаган мўйсафид тоғлар гўё ёш оила бекасининг бахту саодатини тилаб, дуо қилади. Шарқираб оқаётган тиниқ сойлар жўшқин ва тотли ҳаётнинг бардавом тимсоли каби бетиним куйлайди...***

### Репортаж



Дарҳақиқат, Сўх бугун янги ҳаёт бўсағасида. Чанг кўчаларни, ўйинқароқ болаликни, ҳавойи орзу-ҳавасларни ортда қолдириб, у бугун чинакам бахтли ва фаровон ҳаёт сари дадил қадам босмоқда.

Асрларни қаритган қишлоқлар қиёфасини ўзгартираётган равон кўчалар, қадди баланд бинолар сўхликларнинг ғурури, қадриятлари, бобомерос анъаналарига ҳамоҳанг. Лойсувоқ девор, лой босилган томли уйлар, ёзда тизза бўйи тупроқ, кузда ва қишда ёмғир-қор остида ботқоққа айланадиган кўчалар энди тарих.

Янги қурилишлар, ҳайбатли юк машиналарининг чанг-тўзони, усталар, иш бошиларнинг бақир-чақирларини кузатиб борар эканмиз, ҳув нарида бу манзараларни сокинлик билан кузатиб турган бир нуроний эътиборимизни тортди.

— Ассалому алайкум, отахон. Бу, "уста ҳорманг"га чиқибсизми, дейман...

Барваста отахон эринмай шими чўнтагидан оқ дуррасини олиб, юз-кўзини артди.

— Келинглар, болаларим. Меҳмонмисиз? — дея ажабланган ҳолда синчков назар ташлади у.

— Ҳа, шундай.

Ўзаро танишиб олгач, суҳбат кўр олди. Табаррук саксон ёшга яқинлашаётган Салоҳиддин Завҳаров гапга жуда чечан экан. Узоқ йиллар шу ерда яшаб, тумандаги турли идораларда меҳнат қилгани боис Сўх табиати, ҳаёт тарзи ва одамларини жуда яхши билиши кўриниб туради.

➡ 2

### Халқаро саммит

*Шу йилнинг 17-18 август кунлари Парламентлараро Иттифоққа аъзо давлатлар парламентлари раҳбар аёлларининг 13-саммити бўлиб ўтди. У Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорликда видеоконференцалоқа шаклида ташкил этилди.*

*Саммитда 57 мамлакат лидер аёллари қатнашди. Унда Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси делегацияси биринчи марта иштирок этди.*

## ИЛК ИШТИРОК ВА МУВАФФАҚИЯТЛИ ЭЪТИРОФ

Кенг кўламли тадбирдан мақсад — эркаклар ва аёллар ўртасидаги тенг ҳуқуқлиликни кучайтириш, хотин-қизларни, айниқса, пандемия шароитида ҳамда ундан кейин ҳам ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш саъй-ҳаракат ва чораларини муҳокама этишдир.

Саммит иштирокчилари ўз мамлакатларида пандемиянинг иқтисодий оқибатларини юмшатиш, бу борада, айниқса, хотин-қизларга кўмак бериш бўйича кўрилаётган чоралар ҳақида сўзлаб бердилар. Таъкидланганидек, бутун дунёда, жумладан, ривожланган мамлакатларда ҳам хотин-қизларнинг сиёсий, иқтисодий ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, молиявий ресурслардан фойдаланишларини таъминлаш борасида муаммолар мавжуд. Бу масалалар пандемия даврида алоҳида долзарблик касб этди, чунки айнан хотин-қизлар шу вақтда сайёрамиз аҳолисининг энг заиф қисмига айланди. Шу боис ҳозирги кунда хотин-қизларга нисбатан камситиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш борасида тезкор саъй-ҳаракат ва чоралар кўриш зарурлиги алоҳида айтиб ўтилди.

Иштирокчилар Ўзбекистонда мазкур йўналишда тўпланган тажрибани эътироф қилдилар. Қайд этилганидек, Ўзбекистон сўнгги уч йил мобайнида давлат бошқаруви ва жамиятни демократлаштириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида улкан ютуқларга эришди. Аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда гендер тенгликни таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бўлиб келмоқда. Бу пандемия шароитида ҳам яққол намоён бўлаётир. Мазкур масала юзасидан ҳукуматимиз томонидан самарали чоралар кўрилиб, аҳоли саломатлигини сақлаш ва оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича дадил қадамлар қўйилгани бунинг яққол далилидир.

Хотин-қизлар мамлакатимиздаги меҳнатга лаёқатли аҳолининг 48 фоизини ташкил этади ва пандемия даврида давлатимиз томонидан иш ўринларини сақлаб қолиш, кичик ҳамда ўрта бизнесни ҳар томонлама кенг қўллаб-қувватлаш, аёлларнинг ўзини ўзи банд қилиши, шунингдек, эҳтиёжманд оилаларни ижтимоий ҳимоялаш учун шароитларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тадбирда аёллар сиёсий фаоллигини ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар хусусида ҳам сўз юритилди. Таъкидланганидек, Ўзбекистоннинг аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш борасидаги тажрибаси алоҳида эътиборга лойиқ, чунки бунинг натижасида кўплаб янги иш ўринлари ташкил этиляпти.

Саммит иштирокчиларига мамлакатимизда гендер тенглик соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар ҳақида ҳам атрофлича маълумот берилди. Шунингдек, мамлакатимизнинг Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформасида кўзда тутилган эркаклар ҳамда аёллар ўртасидаги тенгликни кучайтириш масалалари юзасидан позицияси билдирилди.

Жорий йилнинг 19-20 август кунлари бўлиб ўтадиган дунё парламентлари раҳбарлари бешинчи Бутунжаҳон конференцияси арафасида ташкил этилган ушбу саммитда дунё давлатларининг COVID-19 таъсирини юмшатиш бўйича саъй-ҳаракатлари, иқлим ўзгариши муносабати билан улар томонидан кўрилган чора-тадбирлар ва янги шароитларда фавқулодда вазиятларни бошқаришга доир масалалар ҳам кўриб чиқилди.

**«Халқ сўзи».**

### Сессия

*Кеча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг сессияси видеоконференцалоқа тарзида бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нурдинжон Исмоилов ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидан сайланган парламент депутатлари иштирок этди.*

## Санитария талабларига қатъий риоя этиш устидан назоратни кучайтириш зарур

Сессияда шу йил 12 август куни Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбарининг карантин тартиби босқичма-босқич юмшатиб борилиши муносабати билан фуқароларнинг санитария талабларига қатъий риоя этишини, аҳолига ўз вақтида ва юқори сифатли бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатилишини ташкил қилиш юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳақидаги ахбороти тингланди. Шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг аҳолига мурожаати ўқиб эшиттирилди.

Сессияда аҳолига ўз вақтида ва юқори сифатли бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатилишини таъминлаш билан бирга, тадбиркорлик субъектларининг самарали фаолият кўрсатиши учун қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Сессияда сўз олган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов коронавирус пандемияси қанчалик мураккаб вазиятни юзага келтирмасин, оқилона йўл тутилганлиги туфайли, мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар тўхтаб қолмай, изчил давом эттирилганини, иқтисодиёт тармоқлари, қишлоқ хўжалиги, саноат корхоналари, умуман, барча соҳа ва тармоқ фаолияти карантин талабларига қатъий амал қилинган ҳолда олиб борилганини алоҳида таъкидлаб ўтди. Бунинг натижасида мамлакатимиз иқтисодиётида барқарор ўсиш суръатлари, ижобий кўрсаткичлар сақлаб қолинди. Буни жорий биринчи ярим йилликда эришилган иқтисодий кўрсаткич ва натижалар ҳам тасдиқлайди.

Таъкидланганидек, бундан буён ҳам карантин қоидаларига тўла амал қилган ҳолда, барча воситани ишга солиб, аҳоли ўртасида кенг тушунтириш-тарғибот ишларини кучайтириш талаб этилади. Бунда парламент аъзолари, сиёсий партиялар вакиллари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳам бевосита сайловчилар билан учрашувлар ўтказиши, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали мутасаддиларга кўмаклашиши мақсадга мувофиқ. Жамоат жойларида, одамлар кўп йиғиладиган масканларда, айниқса, оилавий тадбирлар, тўй-маъракалар ўтказишда фуқароларнинг санитария талабларига қатъий риоя этиши устидан жамоатчилик ҳамда депутат назоратини кучайтириш зарур.

Сессияда маҳаллий Кенгаш депутатларининг фикр-мулоҳазалари ва таклифлари инобатга олинган ҳолда, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг тегишли қарори қабул қилинди.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

## ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ ЯНАДА ҚАДИМИЙ

*Яқинда "Халқ сўзи" газетасида чоп этилган Самарқанд давлат университети ректори, Олий Мажлис Сенати аъзоси, техника фанлари доктори, профессор Рустам Холмуродов билан суҳбатда Марказий Осиё, жумладан, Ватанимизнинг тўнғич олий ўқув юртларидан бири — Самарқанд давлат университетининг тарихий илдизлари ҳақида гап боради.*

### Таҳлил




Профессор Р. Холмуродовнинг журналист саволларига берган илмий ва мантиқан аниқ жавоблари тарихий ҳақиқатдир. Унинг университет илмий ҳамда педагогик таълимий илдизларини XV асрда барпо этилган Мирзо Улуғбек мадрасаси билан боғлаши Ўзбекистоннинг янги тарихи муаммолари ечими кесимида айтилган фикрлар эканлигини эътироф этиш лозим. Бу гаплар илмий жамоатчилик орасида, халқаро анжуманларда эслаб турилса-да, ҳеч ким жасорат билан дадил, асосли қилиб матбуотга олиб чиқмаган эди.

Университет ректори тарихда юртимизда фаолият кўрсатган олий мадрасалар бугунги кундаги олий таълим даргоҳларининг "аждоди" эди, деган тўғри хулоса келади.

Тарихшуносликда "мадраса" сўзи ислом цивилизацияси билан боғлиқ атама. Биздаги маълумотлар ва уларнинг таҳлилий хулосаларига кўра, таълим йўналишидаги илмий ҳамда таълимий "мадрасалар" исломгача, антик ва илк Ўрта асрлардан маълум. Уларнинг таркиб топиши эса янада қадимийроқ бўлиб, жамиятнинг ишлаб чиқаришга бўлган ҳаётий эҳтиёжлари туфайли бронза давридан бошланган, яъни суғорма деҳқончилик ҳамда кўчманчи чорвачилик ва улар билан боғлиқ ҳунармандчиликнинг турли тармоқлари ривожланишидан бошланди. Чунки бу туб ўзгаришлар Қадимги Шарқ цивилизацияси, унинг таркиби ҳисобланган илк давлатчилик, савдо-карвон йўлларининг таркиб топиши, тижоратда ҳисоб-китобга бўлган эҳтиёж зарурияти ёзувнинг пайдо бўлишига олиб келди, жамиятни бошқаришда мафкуранинг роли эса жаҳондаги динларнинг пайдо бўлишини тақозо этди.

Буларнинг барчаси Марказий Осиёда, унинг ўтроқ деҳқончилик ҳудудлари Хуросон ва Мовароуннаҳрда, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларида юз берди. Биздаги қадимги шаҳарларнинг барчаси савдо-карвон йўллари ёқасида қад кўтарган.

➡ 4

### Маҳаллий Кенгашларда

## КАРАНТИН ЧЕКЛОВЛАРИ ЮМШАГАНИ ХАВФ ЙЎҚОЛДИ, ДЕГАНИ ЭМАС

*Пандемияга қарши курашиш борасида Фарғона вилоятда ҳам салмоқли ишлар амалга ошириляпти. Ўтган қисқа даврда вилоятда ихтисослаштирилган тиббиёт муассасалари фаолияти ташкил этилди, хориждан замонавий тиббий-диагностика жиҳозлари олиб келинди. Соҳа ходимлари касалликни тез аниқлайдиган экспресс-тестлар, асбоб-ускуналар билан таъминланди.*

Куни кеча Фарғонада бўлиб ўтган халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессиясида бу борадаги ишлар яна бир бор таҳлил қилинди.

Видеоселектор тарзида ўтказилган йиғилишда Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева қатнашиб, вилоятдан сайланган сенаторлар, маҳаллий Кенгаш депутатларининг пандемияга қарши курашда фаоллигини ошириш зарурлигини таъкидлади.

— Оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқларда эълон қилинаётган таҳлилий-танқидий мулоҳазалар давлатимизнинг коронавирусга қарши кураши борасидаги сиёсатининг мазмун-моҳиятини намоён этмоқда, — деди Сенат Раиси. — Шу боис бу жараёнда маҳаллий Кенгаш депутатлари бир четда шунчаки томошабин бўлиб туриши керак эмас.

Аммо йиғилишда таъкидланганидек, ҳозирги кунда вилоятда маҳаллий Кенгаш депутатларининг фаоллиги мақтангулик эмас. Кучли депутатлик, жамоатчилик назорати етишмаяпти. Ҳаётий тажриба пандемияга қарши курашишда фақат тиббиёт ходимлари ёки давлат идоралари эмас, балки барчамиз фаол ва фидойи бўлишимиз зарурлигини кўрсатмоқда.

Шунингдек, тадбирда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг "темир дафтар"ларга киритилиши бўйича аҳоли орасида учраётган эътирозлар, бу борадаги коррупцион ҳолатларнинг олдини олиш учун, аввало, депутатлик назоратини кучайтириш, ижро ҳокимияти органларининг ҳисобот ва ахборотларини эшитиб, муҳокама қилиб бориш мақсадга мувофиқлиги айтиб ўтилди.

Сессияда Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази директори Дилором Аҳмедова раҳбарлигида пойтахтдан келган бир гуруҳ мутахассислар иштирокида вилоятда олиб борилаётган амалий саъй-ҳаракатлар ҳам сарҳисоб қилинди. Ҳудудларда юзма-юз мулоқотлар, мониторинг ишлари натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ вазифалар белгиланди.

Шунингдек, мажлисда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси тизимидаги тиббиёт муассасалари раҳбарларининг вилоят аҳолисига мурожаати қабул қилинди. Унда халқимиз бошига тушган бу синовларни енгиб ўтиш учун бугун барча жипслашиши, аҳил ва бирдам бўлиб, ягона мақсад йўлида бирлашишимиз шартлиги қайд этилган.

**Ботир МАДИЁРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

## ШАХСИЙ МАСЪУЛИЯТ ВА ТЕМИР ИНТИЗОМ — ОФАТНИ ЕНГИШНИНГ БИРЛАМЧИ ШАРТИ

*Халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашининг галдаги сессиясида COVID-19 пандемияси туфайли мамлакатда жорий этилган карантин талабларини босқичма-босқич юмшатиш бўйича белгиланган вазифаларнинг вилоятдаги ижросини таъминлаш масаласи кўриб чиқилди.*

Онлайн шаклда ўтказилган мажлисда Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева сўзга чиқиб, юртимизда карантин билан боғлиқ аксарият талаблар юмшатилгани унинг бутунлай бекор қилинганини англатмаслигини алоҳида таъкидлади. Карантин талабларининг юмшатилиши шахсий масъулиятни ошириш ва темир интизомни тақозо этишига эътибор қаратилди. Буни аҳолига етказишда сенаторлар ҳамда депутатлар ташаббусни қўлга олиши зарурлиги қайд этилди.

— Вакилларимиз буни биринчи галда ўзлари сайланган ҳудудда тушунтириш ва тарғибот ишларини олиб боришдан бошлагани мақсадга мувофиқ. Уларга бу борада яқинда ташкил этилган Ёшлар парламенти аъзолари ҳам кўмак беради, деган умиддамиз. Ижтимоий тармоқлардаги чиқишлар, аҳолининг мурожаатлари эътиборимиздан четда қолмаслиги зарур, — деди Сенат Раиси.

Карантин талабларини босқичма-босқич юмшатиш бўйича белгиланган вазифаларнинг вилоятдаги ижроси юзасидан вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Солижон Мўминовнинг ҳисоботи тингланди. Шунингдек, вилоятда санитария талаблари ва карантин қоидаларига қатъий риоя этиш юзасидан аҳоли, давлат ҳамда жамоат ташкилотлари раҳбарларига мурожаат муҳокама қилинди.

Ҳисоботда қайд этилишича, карантин тартиби юмшатилиши ва совуқ мавсум бошланиши муносабати билан пандемиянинг кучайиб кетиши эҳтимолига қарши барча эҳтиёт чоралари кўриб борилмоқда. Вилоятга 15 миллиард сўмдан ортиқ маблағ эвазига 42 турдаги мингдан ортиқ тиббий қурилмалар келтирилган. Шунингдек, махсус COVID-поликлиникалар, кунига 150 — 200 та мурожаатларни қабул қилаётган Call-марказ, мобиль гуруҳлар ташкил этилган.

Сессияда Президентимизнинг тегишли Фармонига мувофиқ вилоят маҳаллий бюджетининг 2020 йил биринчи ярим йиллиги ижроси якуни ҳам кўриб чиқилди ва якунда кун тартибидаги масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

«Халқ сўзи» учун махсус

# Ўзбекистон халқаро транспорт йўлакларига фаол қўшилмоқда

*"Tehran Times" нашри Эрон — Афғонистон — Ўзбекистон транзит автомобиль йўлаги синов лойиҳасининг бошлангани ва муваффақиятли амалга оширилгани ҳақида хабар берди. Эрон транзит бюроси (IRICA) бош директори Мостафа Аятининг сўзларига кўра, Эрон транспорт йўлаги орқали Ўзбекистонга Шаҳид Ражаи портидан Жанубдаги порт шаҳри Бандар Аббосга биринчи транзит юкларини юборди. Ушбу юк Афғонистон билан чегарадош Догҳарун терминали орқали ўтади.*



"Дунё" ахборот агентлиги мухбири **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти бўлим мудири Фаррух Жўраев**нинг ушбу воқеа юзасидан фикр-мулоҳазалари билан қизикди:

— Шубҳасиз, Шимол — Жануб халқаро транспорт йўлагининг муҳим таркибий бўғинига айланиши мумкин бўлган ушбу магистралнинг транзит имкониятларидан самарали фойдаланиш кенг Евроосиё минтақасида иқтисодий, ижтимоий тараққиётга ҳисса қўшади, минтақалараро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиради.

Шу билан бирга, амалдаги Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон автомобиль йўлагини ҳисобга олсак, ушбу транзит йўли Шарқ — Ғарб халқаро транспорт йўлагининг муҳим қисмига айланиши мумкин. Шу муносабат билан, эслаб ўтиш ўринли, Марказий Осиё мамлакатлари аллақачон Боку — Тбилиси — Карс транспорт йўлаги доирасида фаол ҳамкорлик қилмоқда, у орқали 2020 йилдан бошлаб Грузияга Ўзбекистон орқали юк ташиш йўлга қўйилди. Ушбу йўналиш Туркия ва Европадан Марказий Осиё ва Хитойга ёки аксинча, мунтазам юк ташишни йўлга қўйиш имконини яратади. Марказий Осиёни Каспий денгизи орқали Европа билан боғлаш юк ташиш вақти ва масофани сезиларли қисқартириш имконини беради.

Умуман олганда, Марказий Осиёда кенг транспорт-коммуникация тизимининг шаклланиши минтақанинг транспорт ва транзит салоҳиятини тўлиқ амалга ошириш имконини бериб, Марказий Осиё маконининг барқарор ривожланиши учун таъсир кўрсатади.

Транспорт йўлаги келажакда Марказий Осиёни Ҳинд океани ва Форс кўрфази портларига энг қисқа йўл очадиган ва Жанубий Осиёни Европа ҳамда Хитой бозорлари билан боғлайдиган трансафғон йўлаги салоҳиятини ривожлантиришга янги туртки беради.

Афғонистоннинг қуруқлик кўприги сифатидаги салоҳиятини англаш, ўз навбатида, мазкур давлатнинг барқарор ривожланиши ва минтақавий савдо-иқтисодий алоқаларга қўшилишида муҳим омил бўлади.

Бу Афғонистоннинг тинч иқтисодиётини тиклашни ушбу мамлакатдаги вазиятни узоқ муддатли барқарорлаштиришнинг муҳим шарти, деб биладиган Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий устувор мақсадларига тўлиқ мос келади.

Ўзбекистон ушбу йўналишда салмоқли ишларни амалга оширмоқда, бу айниқса, пандемия шароитида яққол намоён бўлди. 2020 йилнинг биринчи ярмида темир йўл транспорти 50,7 фоиз ўсиб, 2,2 миллион тоннани ташкил этди. Шу билан бирга, ўзаро савдо ҳажми сезиларли даражада кенгайди. Хусусан, ушбу даврда Ўзбекистон билан Афғонистон ўртасида савдо ҳажми 24 фоиз ўсиб, 332,9 миллион долларни ташкил этди. Бу гуманитар инқироз шароитида Афғонистонда барқарорликни таъминлашда муҳим омил бўлди.

Шу билан бирга, кенг Евроосиё минтақасида, шу жумладан, Марказий Осиёда транзит имкониятларидан самарали фойдаланиш бўйича ишларни давом эттириш керак.

Бунинг учун биргаликдаги саъй-ҳаракатларни транспорт турларини боғлайдиган логистика марказлари инфратузилмасини ривожлантириш, мавжуд тармоқлар ва транспорт воситаларини модернизация қилиш, транспорт соҳасидаги стандартларни уйғунлаштириш ҳамда бирлаштириш жараёнини тезлаштириш, шунингдек, фитосанитария қоидаларини бажариш муҳим аҳамиятга эга.

Божхона ва виза тартибини соддалаштириш, шунингдек, давлат чегараларидаги назорат-ўтказиш пунктлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва самарадорлигини ошириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга алоҳида эътибор бериш керак.

Бу жараёнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йилда Тошкентда бўлиб ўтган "Марказий Осиё халқаро транспорт йўлаклари тизимида: стратегик истиқболлар ва амалга оширилмаган имкониятлар" конференциясида илгари сурган ташаббуслари, хусусан, минтақавий транспорт йўлакларини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ташаббуси муҳим ўрин тутади. Марказий Осиё транспорт тизимини барқарор ривожлантириш дастури ва ушбу минтақа давлатларининг транспорт коммуникациялари бўйича минтақавий кенгашини шакллантириш, бу транспорт ва логистика соҳасида мавжуд муаммоларни ҳал қилишда мувофиқлаштирувчи тузилма бўлиб хизмат қилади.

**«Дунё» АА.**

## Нуқтаи назар

*Ҳар бир инсон зарур ахборотни олишга ҳақли. Бугунги кунда бу эҳтиёжни амалга ошириш учун имкониятлар мавжуд. Буни асло инкор этмаймиз. Шу билан бирга, газета ва журналлар, телевидение ҳамда радиоэшиттиришлар, интернет, ижтимоий тармоқлар ва бошқа манбалардан зарурий ахборотларни қидирсак, албатта, маълум бир йўналишдаги рекламага дуч келишимиз аниқ.*

*Қонун ҳужжатларига кўра, реклама — бевосита ёки билвосита фойда (даромад) олиш мақсадида юридик ёки жисмоний шахслар, маҳсулот, шу жумладан, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва технологиялар тўғрисида ҳар қандай шаклда ҳамда ҳар қандай воситалар ёрдамида қонун ҳужжатларига мувофиқ тарқатиладиган махсус ахборотдир.*

# ТАШҚИ РЕКЛАМА СОҲАСИНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА ҚАНДАЙ МУАММОЛАР БОР?

Демак, рекламадан унумли фойдаланиш ҳар кимнинг ўз фаолиятини янада ривожлантириш имконини беради. Айниқса, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишда реклама катта ёрдамчи. Лекин реклама фаолияти соҳаси, шу жумладан, ташқи реклама фаолияти ҳозирги кунда қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинмоқда? Амалда уларнинг қўлланиши қандай, мавжуд муаммоларни ҳал эта оляптими? Бу соҳада фаолият юритаётган тадбиркорлар қандай муаммоларга дуч келмоқда? Кўплаб сайловчиларимиздан шу каби саволлар қўмитамизга келиб тушмоқда.

Соҳадаги муаммоли масалаларни ўрганиш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси томонидан 2020 йил 4 август куни "Реклама фаолияти соҳасини тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг ижро этилиш ҳолати" мавзуида видеоконференцалоқа тарзида соҳа экспертлари иштирокида тадбир ўтказилди. Айрим ҳолатлар юзасидан қизғин саволлар ўртага ташланди. Бу бўйича ўз фикрларимни баён этишга жазм этаман.

Ҳозирда реклама фаолияти, асосан, 1998 йил 25 декабрда имзоланган "Реклама тўғрисида"ги Қонун, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 февралдаги "Ташқи реклама бозорини тартибга солиш тўғрисида"ги ҳамда 2018 йил 30 августдаги "Ташқи рекламани жойлаштириш соҳасидаги фаолиятни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари билан тартибга солинмоқда.

Ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, реклама фаолияти соҳасидаги ҳуқуқни қўллаш амалиётида қатор муаммолар мавжуд. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги иккита қарорида ташқи реклама конструкцияларини жойлаштиришнинг янги тартиби белгиланган. Лекин транспорт воситаларидаги, метродаги, жамоат жойларидаги (парклар, бозорлар ва бошқалар) ташқи рекламалар ушбу ҳужжатлар билан тартибга солинмаяпти. Бунинг натижаларини эса исталган дўкон, савдо мажмуалари, бозорларда турли кўриниш ва ҳажмдаги, шу жумладан, имло хатолари билан ташқи реклама лавҳаларининг тартибсиз жойлаштирилганлигида кўриш мумкин.

Шунингдек, қарорда ташқи реклама конструкцияларининг номланиши, турлари, катта-кичиклиги ва бошқалар бўйича тушунчалар келтирилган. Лекин реклама конструкцияларининг ҳамда у ўрнатилган жойнинг ҳуқуқий мақоми белгилаб берилмаган. Бу, албатта, соҳада фаолият юритаётган тадбиркорларга катта хавотир ва нобарқарорлик келтирмоқда. Чунки тадбиркор ўз конструкцияси турган жойга эгалик қила олмаганлиги сабабли, ҳокимият томонидан исталган вақтда конструкцияни ўрнатилган жойидан кўчириш талаби қўйилиши мумкин.

Ривожланиш ортган сари ҳар бир соҳада талаблар ҳам шунга яраша ўзгариб боради. Худди шундай Вазирлар Маҳкамасининг "Ташқи реклама бозорини тартибга солиш тўғрисида"ги қарорида ҳам очиқ электрон савдоларда ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) ер участкаларида жойлаштириш ҳуқуқини фақат юқори технологияли ташқи реклама объектларига бериш ва 2021 йил 31 декабрга қадар марказий қатнов кўчаларида жойлаштирилган ташқи реклама объектларини юқори технологияли қурилмаларга босқичма-босқич ўзгартириш белгиланмоқда.

Лекин бу билан бирга, юқори технологияли қурилмаларга қўйиладиган талаблар очиқланмаяпти. Тасаввур қилинг, кўп қаватли уйларга қараб турган LED-экранли ташқи реклама қурилмаси катта ёруғлик билан кечаю-кундуз ишлаб турса, бу уйларда яшовчи фуқароларга қанчалик ноқулайлик туғдиради?! Умуман олганда, шундай уйларда яшашни истармидингиз? Шу сабабли ташқи реклама учун юқори технологияли қурилмалар ўрнатилаётганда, уларга аниқ талаблар қўйилиши керак. Яъни реклама қурилмаларини ёритиш, шунингдек, LED-экраннинг ёруғлик (люкс) даражаси санитар нормалар билан чегараланиши, уларга "таймер"лар ўрнатилиши (масалан, соат 22.00да автоматик узилиши) лозим ва авария ҳолатларида ҳам автоматик равишда узиш имконияти бўлиши керак. Бу билан, энг аввало, фуқаролар осойишталигига дахл қилинмайди, қолаверса, шаҳарни электр энергияси билан таъминловчи ташкилотларга ҳам ортиқча юк бўлмайди.

Яна бир муҳим масала. Вазирлар Маҳкамасининг "Ташқи реклама бозорини тартибга солиш тўғрисида"ги қарорига асосан ҳар бир ташқи реклама объекти (конструкцияси) майдонидан келиб чиқиб, унда реклама жойлашганидан қатъи назар, реклама жойи учун белгиланган тарифлар бўйича ҳар ойда йиғим жорий этилган. Ушбу йиғимнинг тақсимланиши қуйидагича: 45 фоизи — ташқи реклама объекти (конструкцияси) жойлашган (ўрнатилган) туман (шаҳар) бюджетига, 45 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг бюджетдан ташқари Рақобатни ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармасига, қолган 10 фоизи — "Тасвирий ойина" ижодий уюшмасининг тегишли бўлимларига.

Энди савол туғилади: нима сабабдан бундай тақсимот белгиланди, уни қандай асослантириш мумкин? Реклама фаолияти соҳасида назорат функциясини амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг бюджетдан ташқари жамғармасига ушбу йиғимларнинг салмоқли қисмининг ажратилиши қанчалик асосли ва тўғри? Бундай ҳолатда идоравий манфаатлар реклама фаолияти бозорида одил назорат ва соғлом рақобатни таъминлаш тамойилларидан устун бўлиб қолмайдими?

Бошқа давлатларнинг бу соҳадаги тажрибаси ўрганилганда, (масалан, Франция, Россия) назорат органи ҳисобига (Монополияга қарши курашиш органи) реклама объектларидан йиғиладиган тўловлардан бир фоиз ҳам маблағ олинмаслиги маълум бўлди.

Шу билан бирга, сир эмас, ҳозирги кунда турли соҳаларни ривожлантириш билан боғлиқ масалаларга Давлат бюджети ва маҳаллий бюджетларга катта юкламалар белгиланган. Бюджетга тушумлар мисқоллаб йиғилаётган бир шароитда ушбу қарор билан белгиланган йиғимларнинг фақат 45 фоизининг ўтказилиши адолатлими?

Ташқи реклама соҳасида келтирилган айрим муаммоли масалалардан ҳам кўриниб турибдики, қонуности ҳужжатларисиз тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларнинг қабул қилиниши ниҳоятда муҳим. Қўмитамиз томонидан бу соҳани ўрганиш ишларини яна давом эттиришни ҳамда амалдаги "Реклама тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига тегишли қўшимча ва ўзгартишлар киритиш бўйича таклифларни шакллантиришга келишиб олдик.

**Шуҳрат ШАРАФУТДИНОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,**
**ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси.**

## Ҳамкорлик

# АҚШнинг Огайо давлат университетида ўзбек тили дастурлари кенгайтирилади

*Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчиси Жавлон Ваҳобов Огайо давлат университети (ОДУ) Яқин Шарқ тиллари ва маданияти кафедраси мудири Скотт Леви ҳамда Славян ва Шарқий Европа тадқиқотлари маркази директори Анжела Бринлингер билан учрашув ўтказди. Бу ҳақда мамлакатимизнинг Вашингтондаги дипломатик ваколатхонаси хабар қилди.*

Мазкур учрашувдан кўзланган асосий мақсад — она тилимизнинг АҚШдаги нуфузини янада ошириш, пандемия шароитида ўзбек тили таълимоти дастурларини қўллаб-қувватлаш, Огайо давлат университети ва бошқа маҳаллий олий ўқув юртларида унинг ўқитилишини кенгайтириш ҳамда юртимизнинг бой маданий меросини тарғиб қилиш.

Айтиш жоизки, 1870 йилда ташкил этилган Огайо давлат университети ижтимоий-гуманитар фанлар таълими йўналиши бўйича АҚШнинг энг илғор университетлари рейтингида 17, жаҳон миқёсида эса 45-ўринни эгаллайди. Шунингдек, олий таълим муассасаси 1 миллиондан зиёд китоб фонди бўлган энг катта кутубхоналардан бирига эга. Бундан ташқари, Шарқий Европа, Евроосиё ва славяншунослик соҳаларидаги тадқиқотлар борасида ҳам ОДУ АҚШнинг нуфузли таълим масканларидан ҳисобланади.

Университет профессорларидан икки нафари, битирувчилари орасидан ҳам иккитаси Нобель мукофотини қўлга киритган. Йилига 65 мингта талабага илм берадиган олий таълим муассасасидан жаҳоннинг турли мамлакатларида самарали фаолият юритаётган юқори мартабали расмий шахслар, йирик тадбиркорлар, машҳур санъатшунос олимлар етишиб чиққан.

Элчихонамиз маълумотига кўра, ҳозирги кунда ОДУ АҚШдаги энг йирик ўзбек тили таълим дастурига эга бўлиб, йилига ўрта ҳисобда 10 — 12 та олий ўқув юрти талабаларига мамлакатимиз давлат тили ўргатилади. Мазкур дастур 2003 йилда ташкил қилинган ва шу кунга қадар 200 дан ортиқ йигит-қизлар ўзбек тили курсларини тамомлаган.

Мазкур курслар одатда йилига тўрт марта амалга оширилади. Яъни иккитаси куз ва қолган иккитаси баҳорги семестрларда ўқитилади. Эътиборли жиҳати, айни пайтда мамлакатимиз ҳаётининг турли жабҳаларида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар борган сари кўпроқ америкалик ёшларнинг давлат тилимизни ўрганишга бўлган қизиқишини оширяпти.

Яна бир далил шуки, ўзбек тилини ўрганган ОДУ талабалари орасида Марказий Осиё минтақасига бағишланган диплом ишлари ва диссертациялар сони бакалавр босқичида 18 та, магистратурада 17 тани ташкил қилади. Бу ҳам, шубҳасиз, минтақамизга бўлган эътиборнинг кучайиб бораётгани натижасидир.

Бундан ташқари, ўзбек тилини ўрганган ОДУ битирувчиларидан бир нечтаси АҚШ ҳукуматининг турли идораларида Евроосиё масалалари бўйича мутахассис бўлиб фаолият юритишса, ўнлаб иқтидорли кадрлар Марказий Осиё халқлари тарихи, маданияти ва тили йўналишларида докторлик изланишларини олиб бормоқда.

Огайо давлат университети АҚШнинг ўрта ғарбий ва шарқий соҳилларидаги йирик 14 та университетнинг консорциуми ҳисобланадиган Катта ўнлик академик алянси (КЎАА) аъзоси бўлиб, мазкур олий таълим масканлари талабалари ҳам онлайн тарзда ОДУ таклиф этаётган ўзбек тили курсларида таҳсил олиш имкониятига эгадирлар.

ОДУда "Глобал май" (Global May) дастури жорий қилинган. Унинг доирасида мазкур олий ўқув юрти талабалари 4 ҳафта давомида маълум бир мамлакатга саёҳат қилиб, ўша давлат маданияти ва тилини ўрганишади. Шу жумладан, 2021 йилги дастур давомида ОДУнинг ўзбек тилини ўзлаштираётган талабалари орасидан бир гуруҳини Ўзбекистонга олиб келиш режаси ишлаб чиқилмоқда.

Мазкур ташрифларга таълим маскани ўқитувчилари раҳбарлик қилади. Америкалик ёшлар юртимиз бўйлаб саёҳат қилишади, турли ташкилот ва университетларда бўлиб, маърузалар ҳамда илмий муҳокамалар ўтказишади, тенгқурлари билан тажриба алмашишади.

Шу билан бирга, элчихонамиз ва университет маъмурияти 10 — 14 кундан иборат қисқа муддатли Ўзбекистонга саёҳат дастурини ҳам ишлаб чиқишни режалаштирган. Унда ўзбек тили ёки Марказий Осиё тарихи ва маданияти курсларининг камида битта поғонасини (семестрини) тамомлаган ёшлар таклиф қилиниши кўзда тутилаётир.

Учрашув якунида С. Леви ва А. Бринлингер билан ҳамкорликда Огайо давлат университетидаги ўзбек тили таълимоти дастурининг нуфузини янада юксалтириш, унга жалб қилинаётган талабалар сафини кенгайтириш ва ушбу йўналишда иштирок этаётган профессор-ўқитувчилар фаолиятини рағбатлантириш мақсадида мамлакатимиз ҳукумати билан алоқаларни мустаҳкамлашга келишиб олинди.

**Шавкат ОРТИҚОВ**
**(«Халқ сўзи») тайёрлади.**

# ЭЛИ ШОД, КЎРКИ ОБОД СЎХ

←1

— Бўларкан-ку! — дейди отахон завқи ошиб. — Сўхда ҳазилакам ишлар бошлангани йўқ. Қурилаётган янги бинолар, ижтимоий-маиший объектлар туманимизнинг кўркига кўрк бағишлаб қолмай, турмушимизни янада обод, ҳаётимизни фаровон қилади. Энг муҳими, бўлаётган ўзгаришлар туман аҳлининг эртанги кунга ишончини мустаҳкамламоқда. Бир вақтлар қаердан иш топишни билмай сарсон-саргардон юрган киши бугун яратилган қулай шароитлардан фойдаланиб, омадли тадбиркор бўлди. Президентимиз ташаббуси билан олий ўқув юртларига имтиёзли қабул квоталари ажратилганидан ёшларимиз ҳам ниҳоятда хурсанд. Уларнинг ҳам орзулари армонга айланмайди энди...

Тоғ ҳавоси ўзгарувчан: яқиндагина шиғалаб ёғиб ўтган ёз ёмғири атрофга гулу гиёҳлар атрини таратади. Энди офтоб борлиқни аёвсиз қиздира бошлади. Равон шаҳарчасини айланиб юриб, йўл четида шойи рўмоллари билан юзини парда қилиб суҳбатлашаётган бир гуруҳ аёлларга эътибор қаратдик. Суҳбат тадбиркор Назиржон Тоҳировнинг хайрли ташаббуслари хусусида бўлаётган экан.

Гап шундаки, давлатимиз раҳбари қарори асосида туманда бошланган кенг қамровли ислоҳотлардан руҳланган тадбиркор Сўх марказида фитнес клуб, гўзаллик салони, сартарошхона, умумий овқатланиш шохобчаси, шинам меҳмонхона қурилишини режалаштиряпти.

— Отасига раҳмат! — дейди Ҳамидахон Садирова. — Шундай тадбиркорларимиз кўпайгани қандай яхши. Шаҳарга борганда ёки телевизорда кўриб, шу каби масканларга ҳавас қилардик. Мана энди ўзимизда ҳам маҳалладош аёллар, қизлар ва набиралар биргаликда спорт билан шуғулланиш имконияти яратилмоқда.

Назиржон Тоҳиров шароит йўқлиги учун Қувасой шаҳрида мевани қуритиш ва қадоқлаш цехини ташкил этиб, юз километрлаб масофага қатнаб ишлар эди. "Йўл азоби — гўр азоби", деган гап бежиз айтилмаган. Президент қарори билан танишгач, у бундан буён Сўхда ҳам тадбиркорликка катта пул тикиш мумкинлигига ишонди. Ҳозирда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этиш мақсадида бизнес-режа тайёрлаб, янги бино қуриш учун муносиб жой излаяпти.

Туман маркази Равон шаҳарчасида давлатимиз раҳбари қарори асосида тасдиқланган манзилли дастурга кўра, ҳар бири 30 хонадонли 7 та 5 қаватли уй-жойлар қурилиши ҳам режалаштирилган. Тиббиёт, таълим ва бошқа кўплаб йўналишларда амалга оширилиши белгиланган ишлар ҳам сўхликларга замонавий шароитлар яратишни назарда тутади. Сўхлик кайвони онахонлар энди келинини тўлғоқ тутса, юрак ҳовучлаб Фарғона шаҳридаги туғурукхонага бориш ташвишига тушмайди. Қишда вилоятнинг бошқа ҳудудларига қатнаб, иссиқ жой излашга ҳожат йўқ.

"Отанг — маҳалла, онанг — маҳалла", деган ибора Сўхда жуда ҳам қадрли. Айни жиҳатларни инобатга олиб, 2020-2021 йилларда Сўх туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига мувофиқ, "Сўх" ва "Чумоқча" маҳалла фуқаролар йиғинларига янги бинолар қуриб битказилди. Бу борада "Сариканда", "Чашма", "Ленбург", "Ғазнов" МФЙлари учун янги бинолар қуриш, 5 та МФЙ биносини таъмирлаш, 27 та маҳалла йиғинларига компьютер жамламаси ва мебель жиҳозлари етказиб бериш кўзда тутилган.

"Малбут" МФЙда яшовчи уста боғбон Муҳаммадназар Нурматов янги ўзгаришлар унинг кўп йиллик орзуларига қанот боғлаганидан мамнун. Ҳозирги кунда у қир-адирдаги 3 гектар ерда олма ва ёнғоқ плантацияси барпо этиш ҳаракатида. Шу мақсадда уч километрдан сув тортиб келди. Харажатни тежаш учун томчилатиб суғориш технологиясини ҳам жорий этишни мўлжалламоқда.



"Ҳорманг, бор бўлинг"дан сўнг Муҳаммадназар ака қўлидаги катта олмани ҳамкасбимиз Шерзод Қорабоевга узатди. Шерзод олмани карсиллатиб тишлаган эди, юзига сув сачради. Бир оз кулишган бўлдик. Сўхнинг қирмизак олмалари жуда ҳам сувли, мазаси ширин, уни табиий усулда узоқ вақт сувини қочирмай сақлаш мумкин.

— Тўғри, асалнинг ҳам ўрни бўлакча. Лекин Сўх олмалари асалдан ҳам мазали, — дея боғбон ҳалиги олмани паққос тушираётган ҳамкасбимизга жилмайиб қўйди. — Биз бозордан деярли ҳеч нарса сотиб олмаймиз. Уйимиздаги мешларда асал, ёнғоқ, қуритилган мевалар, сабзавотларнинг етарли захираси бор. Бу боғ мевага кирса, оилага қўшимча даромад. Инсон шунчаки қорин қайғуси билан яшамайди, ахир.

Шу куни вилоятдан ташриф буюрган бир гуруҳ мутасаддилар бутун туманни айланиб, масъул раҳбарлар, қурувчилар, йўлсозлар, электр таъминоти ва газ идоралари ходимлари, маҳалла фаоллари, қўйингки, Сўхдаги жўшқин ҳаёт оқимидан четда бўлмаган юзлаб фидойи инсонлар билан юзма-юз мулоқотлар ўтказилди.

Дарҳақиқат, бу — Сўхнинг бир куни эди.

Кун бўйи чиқарган хулосамиз шу: юрт ободлиги ақлу заковат, тафаккур, иқтисодий куч-қудрат ҳамда ўзаро меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик маҳсулидир. Бу ҳақда энг гўзал таърифни ҳазрат Навоий айтган:

*Адл ила олам юзин обод қил,*
*Хулқ ила олам элини шод қил.*

Бу теран маъноли битик замирида улкан мақсадлар билан бирга, эзгу хитоблар янграйди. Зотан, олам чиройини хулқи гўзал, серқирра фазилатли эл яратади.

**Ботир МАДИЁРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# АЛОҲИДА СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ

## БУ ТУМАН АҲОЛИСИГА НИМА БЕРАДИ?

*Фарғона вилоятининг Сўх туманида тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, иқтисодиёт тармоқларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида бир қатор солиқ имтиёзлари жорий этилди. Бу Президентимиз томонидан шу йил 8 августда имзоланган "2020-2021 йилларда Фарғона вилоятининг Сўх туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида ўз аксини топди.*

## Қарор ва ижро

Қарорда татбиқ этилиши назарда тутилган солиқ имтиёзларини икки тоифага ажратиш мумкин.

Биринчиси, бу бевосита Сўх туманидаги оилаларга ёки хонадонларга тааллуқли дейиш мумкин. Яъни сўхликлар 2020 йилда тўланадиган жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи ва мол-мулк солиғини тўлашдан озод этилади. Ушбу икки солиқ тури бўйича берилган имтиёздан тумандаги 14 300 нафар мол-мулк ҳамда ер солиғи тўловчилари фойдаланади. Натижада Сўх халқи ихтиёрида 2020 йил учун йиллик ҳисобда қарийб 3 миллиард 300 миллион сўм миқдоридаги маблағ қолади. Бу 2 миллиард 100 миллион сўм ер солиғи, 1 миллиард 200 миллион сўм мол-мулк солиғига тўғри келади.

Имтиёз Давлат солиқ қўмитаси махсус дастурий маҳсулотларига тегишли ўзгартириш киритилган ҳолда, марказлашган тартибда барча мулк эгасига бирдек татбиқ этилади. Эътиборлиси, мазкур имтиёздан фойдаланиш учун фуқаролардан ҳеч қандай ҳужжат ёки солиқ идорасига мурожаат қилиш талаб этилмайди.

Иккинчи тоифа эса тадбиркорлик билан боғлиқ. Гап шундаки, 2020 йил 1 августдан 2021 йил 31 июлга қадар тумандаги якка тартибдаги тадбиркорлар (ЯТТ) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини амалдаги қатъий белгиланган солиқ суммасини 50 фоизга камайтирган ҳолда тўлайдиган бўлди. Бу Сўх туманида чакана савдо билан шуғулланадиган ЯТТ 2021 йил 31 июлга қадар ҳар ой 200 минг сўм ўрнига 100 минг сўм қатъий белгиланган суммада жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўлайди, дегани. Бошқа фаолият турлари билан шуғулланувчилар эса атиги 25 минг сўм тўлайди, холос. Аҳамиятлиси, ушбу солиқ имтиёзларидан тумандаги 400 дан ортиқ ЯТТ фойдаланиши мумкин.

Бундан ташқари, алкоголь маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсат гувоҳномасини олиш учун йиғимни тўлашдан озод қилинди.

Маълумот ўрнида келтириш мумкинки, алкоголь маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берувчи рухсат гувоҳномасини олиш Тошкент шаҳри учун 1 200 000 сўм, Нукус шаҳри ва вилоят марказларида 1 000 000, бошқа шаҳарларда 800 000, қолган аҳоли пунктлари (шу жумладан, Сўх тумани) учун 600 000 сўм этиб белгиланганди. Бундан буён сўхлик тадбиркорлар мазкур тўловдан ҳам озод этилмоқда.

Албатта, сўхликларга берилаётган бундай солиқ имтиёзлари аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга, турмуш фаровонлиги юксалишига, тадбиркорлик субъектларини иқтисодий томондан янада қўллаб-қувватлашга ва якунда, албатта, иқтисодиёт тармоқларининг узлуксиз ишлашига хизмат қилади.

**Шукурулло НИСБАТХОНОВ,**
**Фарғона вилояти давлат солиқ бошқармаси бошлиғи.**

## АКАДЕМИК МУҲАББАТ АБИДОВА



Ўзбекистон илм-фани оғир жудоликка учради.

Кимё-технология соҳасидаги таниқли олим, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Муҳаббат Абидова 2020 йил 17 август куни 89 ёшида вафот этди.

М. Абидова 1931 йил 10 октябрда Тошкент шаҳрида туғилди. 1954 йили Ўрта Осиё политехника институти (ҳозирги Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети)ни тугатиб, Ўзбекистон Фанлар академияси Кимё институти (ҳозирги Умумий ва ноорганик кимё институти) аспирантурасида таҳсил олди. 1958 йили номзодлик, 1975 йили докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Илм-фан соҳасидаги кўп йиллик хизматлари учун 2000 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди.

Истеъдодли олим 60 йилдан зиёд илмий-педагогик фаолияти давомида Ўзбекистон Фанлар академияси Кимё институти кичик илмий ходими, катта илмий ходими, Полимерлар кимёси ва физикаси институти катта илмий ходими, Ўрта Осиё ёқилғидан фойдаланиш институти катта илмий ходими, Ўрта Осиё нефтни қайта ишлаш саноати илмий-тадқиқот институти сектор раҳбари, лаборатория мудири, Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий-тадқиқот институти лаборатория мудири каби лавозимларда самарали меҳнат қилиб, мамлакатимизда илм-фан соҳаларини ривожлантириш, юқори малакали илмий-педагог кадрлар тайёрлашга муносиб ҳисса қўшди.

Заҳматкаш олимнинг кимёвий жараёнлар соҳасининг назарий ва амалий масалаларига бағишланган илмий мақолалари, патент ва муаллифлик гувоҳномалари юртимиз ва хорижий мамлакатлар олимлари ва мутахассисларига яхши маълум. Унинг катализаторлар тизими ва кимёвий жараёнларга оид бир қатор илмий ишланмалари саноат тармоқларида самарали қўлланиб келинмоқда.

Жонкуяр устоз сифатида кўплаб ёшларга сабоқ берган илм-фан фидойисининг бевосита раҳбарлигида ўнлаб фан номзодлари ва фан докторлари тайёрланган.

Академик М. Абидованинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У “Меҳнат шуҳрати” ордени билан мукофотланган эди.

Таниқли олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Муҳаббат Абидованинг хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

**Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОЕВА, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, Б. ЙЎЛДОШЕВ**



# ГЛОБАЛ ИҚЛИМ ЎЗГАРИШЛАРИ ПАНДЕМИЯГА САБАБ БЎЛДИМИ?

*Бугун жаҳон ҳамжамияти глобал иқлим ўзгариши ва коронавирус пандемияси инсоният олдида турган энг жиддий муаммолардан эканини тан олмоқда. Дарҳақиқат, иқлим ўзгариши ҳамда касаллик эволюцияси инсоният тарихида олдиндан айтиб бўлмайдиган элементлар бўлиб келган. Бироқ олимларнинг таъкидлашича, инсонларнинг атроф-муҳитга антропоген таъсири Эбола, парранда гриппи, COVID-19 каби касалликларнинг кенг тарқалишига сабабчи бўлмоқда.*

## Мушоҳада

Глобал карантин шароитида дунё мамлакатлари ўртасида ҳаво ва ер транспорти алоқалари, шунингдек, мамлакатларнинг ичида автомобиль, темир йўл ҳамда авиатранспорт қатнови кескин камайгани натижасида двигателлардан атмосферага чиқаётган ис газлари миқдори сезиларли даражада камайди. Натижада атмосферанинг кейинги 30 — 40 йил ичида ҳосил бўлган ифлосланиш даражаси пасаяётганлиги кузатилди.

Коронавирус инсонларни яшаш тарзини ўзгартириш бўйича мажбурий экспериментдан ўтказди. Аксарият одамлар уйда меҳнат қилмоқдалар. Ушбу тенденция инсонларнинг иш жараёнларига бўлган муносабати орқали атроф-муҳитга умумий таъсирини кўрсатиб берди.

Жаҳон метеорология ташкилоти маълумотларига кўра, ҳозирги кунгача глобал йиллик ўртача ҳаво ҳарорати 1880 йилдаги даражадан 1,0°С га ортган. Ўзбекистонда худди шу давр учун ўртача йиллик ҳаво ҳарорати 1,6°С кўтарилган. Яъни исиш жадаллиги глобал миқёсда кузатилаётган ўртача суръатдан ҳам юқори. Боиси Ўзбекистон иқлим ўзгариши таъсирига кўпроқ мойил бўлган мамлакатлар сирасига киради.

Синоптикларнинг маълумотларига кўра, сўнгги 5 йил инсоният тарихида энг иссиқ давр сифатида қайд этилган, афсуски, кейинги 5 йилда ҳам глобал ўртача ҳароратнинг янги рекордлари кутилмоқда.

Иқлим ўзгариши билан боғлиқ ортиб бораётган глобал таҳдидларнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси 2018 йилда БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги ҳадли конвенцияси — Париж битимини ратификация қилди. Ушбу битимнинг мақсади сайёрамизда глобал исишни индустриал ривожланиш давридаги ўртача ҳароратга нисбатан Цельсий шкаласи бўйича 2°С га сақлаб туриш ҳамда ҳароратнинг 1,5°С гача ўсишини чеклашга эришишдан иборат.

Париж битимининг ратификация қилиниши Ўзбекистон учун қатор имкониятларни тақдим этади. Хусусан, энергия самарадорлиги ва энергия тежаш бўйича давлат дастурларини амалга оширишда иқлимий молиялаштириш ресурслари (асосан, грантлар)ни жалб қилиш, қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантириш, ер-сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш, салбий экологик оқибатларга (Орол фожиаси, чўлланиш, қурғоқчиликка) қарши курашиш кабилар шулар жумласидандир.

БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш пандемия оқибатларини бартараф қилиш жараёнидан иқлим муаммоларини ҳал этишда фойдаланишни таклиф қилади. Унинг таъкидлашича, пандемиядан кейин ҳар қандай давлат тикланишни режалаштирар экан, аввалambор, асосий эътиборни иқлим ўзгариши муаммоларини ҳал қилиш, ис газининг атмосферага тарқалишини камайтириш, атроф-муҳит муҳофазасини кучайтириш, биохилмахилликни йўқотмаслик ва инсониятнинг барқарор саломатлиги ҳамда хавфсизлигини таъминлаш йўлига қаратиши лозим.

Экологлар пандемиянинг атроф-муҳитга ижобий таъсири билан бир қаторда, унинг иқлим ўзгариши бўйича узоқ муддатли ҳаракатларга салбий таъсирини ҳам санаб ўтадилар. Хусусан, капитал бозорида ҳар қандай чекловлар “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантириш учун молиялаштириш жараёнларига салбий таъсир кўрсатади. Бу борада йирик лойиҳалар муҳокамалари “музлатилади”, қурилиши бошланган объектлар молиялаштиришдан вақтинчалик тўхтатилади, нефть маҳсулотлари нархининг пасайиши эса электромобиллар рақобатдошлигини пасайтиради.

> *Синоптикларнинг маълумотларига кўра, сўнгги 5 йил инсоният тарихида энг иссиқ давр сифатида қайд этилган, афсуски, кейинги 5 йилда ҳам глобал ўртача ҳароратнинг янги рекордлари кутилмоқда.*

Тўғри, иқтисодий инқироз инсонларни экологик муаммолар ташвишидан чалғитади ва бу ҳолатда уларнинг ўй-фикри фақат соғлиқ, иш, кўчмас мулк, иш ҳақи, нафақа каби зарурий юмушларга қаратилади. Бунда ҳар қандай давлат пандемия шароитида инқирозга қарши барча чорани кўради. Иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий муҳофаза учун жуда катта миқдорда сармоялар харажат қилинади. Энг асосийси, ушбу маблағлар мақсадли фойдаланилади. Шу сабабли глобал пандемия давлатларнинг узоқ муддатли режаларидаги “яшил технология”лар, жумладан, қайта тикланувчи энергия манбалари ривожини секинлаштириши мумкин.

Бугунги кунда мамлакатимизда глобал коронавирус пандемияси шароитида ҳам Президентимизнинг тегишли қарорига асосан тасдиқланган 2019 — 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил иқтисодиёт”га ўтиш стратегиясида белгиланган вазифалар амалга оширилмоқда. Қайта тикланувчи энергия манбалари, хусусан, қуёш ва шамол электр станциялари ҳамда ГЭСлар барпо этилмоқда, “ақлли” қишлоқ хўжалиги механизмлари жорий қилиняпти. Орол денгизининг қуриган тубида дарахтзорлар барпо этиш ҳамда минтақада чўлланишнинг олдини олиш бўйича кенг кўламли тадбирлар самарали амалга оширилаётир.

Стратегия ижроси натижасида 2030 йилга бориб, иссиқхона газларининг ялпи ички маҳсулот бирлигига нисбатан солиштирма ажратмаларини 2010 йилдаги даражадан 10 фоизга қисқартириш имконияти яратилади. Шунингдек, қайта тикланувчи энергия манбаларини янада ривожлантириш ва уларнинг улушини электр энергиясини ишлаб чиқариш умумий ҳажмини 25 фоизидан кўпроғига етказиш, 1 миллион гектаргача майдонда томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш ҳамда уларда етиштириладиган экинлар ҳосилдорлигини 20 — 40 фоизгача ошириш назарда тутилган.

Бугунги кунда депутатлар, экспертлар ва мутахассислар томонидан “яшил иқтисодиёт”нинг устувор йўналишларини қамраб олувчи норматив-ҳуқуқий базани хатловдан ўтказиш, уни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрланмоқда, бунда атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш бўйича иқтисодий чоралар ва воситалар ишлаб чиқиш, “яшил фонд”лар ташкил қилиш, “яшил кредит”лар, иссиқхона газларининг ажратмаларини қисқартирганлик учун ҳақ тўлаш ҳамда энергия самарадорлигига қўйиладиган мажбурий талабларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш назарда тутилган.

Умуман, бугунги коронавирус пандемиясига қарши курашиш жараёнида белгиланган чекловлар натижасида атроф-муҳитнинг вақтинчалик яхшиланиши иқлим ўзгаришига қарши кураш тадбирларини амалга оширишга сабаб бўлмаслиги керак. Пандемияларни келтириб чиқарувчи касалликларнинг аксарияти респиратор касаллик эканлигини инобатга олган ҳолда атроф-муҳит ифлосланишига, иқлим ўзгаришига қарши курашда барча кучни сафарбар этиш лозим бўлади.

**Муқаддас ТИРКАШЕВА,**
**Моҳира ХЎЖАЕВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари.**

## Муносабат

*Яқинда давлатимиз раҳбарининг “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Бу билан суд-ҳуқуқ, инсон манфаатлари, умуман, соҳа ривожи йўлида навбатдаги муҳим қадам қўйилди, десак, муболаға эмас.*

# ҚИЙНОҚҚА СОЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ҚИЛМИШЛАР

### СОДИР ЭТИЛИШИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ БЎЙИЧА САМАРАЛИ МЕХАНИЗМЛАР ЖОРИЙ ҚИЛИНАДИ

Мазкур ҳужжатда шахсга нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш билан боғлиқ қилмишлар содир этилишининг олдини олиш борасида самарали механизмларни жорий қилиш, шунингдек, бундай қилмишлар учун жавобгарликни кучайтириш масаласи асосий вазифалардан бири этиб белгиланди.

Энди бир мулоҳаза қилиб кўрайлик. Нега айнан ушбу жиҳатга устувор аҳамият берилди? Биламизки, ижтимоий тармоқларда, умуман, ахборот тарқатувчи воситаларда қийноққа солиш билан боғлиқ ҳолатларни акс эттирувчи материаллар ҳали-ҳамон учраб турибди.

Масалан, жорий йилда Чироқчи туманида ва Андижон шаҳрида қийноққа солиш билан боғлиқ фожиали воқеалар содир этилди. Табиийки, бу ҳолат жиноят процессида шахснинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш бўйича механизмлар тўлиқ ишга солинмаганлигини, қийноққа солиш билан боғлиқ ҳолатларнинг олдини олишни назарда тутувчи тизимли механизм ишлаб чиқиш заруратини туғдирди.

Тўғри, кейинги йилларда юртимизда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоялаш, унинг шаъни ҳамда қадр-қимматини ҳурмат қилиш, шунингдек, қийноққа солиш билан боғлиқ ҳаракатларнинг олдини олиш ва жавобгарликни кучайтиришга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Лекин уларни янада такомиллаштиришни даврнинг ўзи тақозо этяпти.

Янги Фармонда бу борада қатор илғор қоидалар акс этган бўлиб, улар шахс ҳуқуқлари ҳимоясини ишончли кафолатлашга хизмат қилади. Ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар ходимларининг турли суиистеъмолликларга йўл қўйишининг олдини олади.

Амалдаги Жиноят-процессуал кодексининг 226-моддасига асосан, ушлаб туриш муддати ушланган шахс ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилган пайтдан ҳисобланади. Масалан, шахс жиноят устида ушланди, унинг ҳуқуқлари шу вақтдан чекланади, аммо ушланган шахс ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза этувчи бошқа органга келтирилганидан сўнг ушлаб туриш муддатининг ўтиши бошланади. Яъни шахс тегишли муассасага олиб борилмагунга қадар, ҳақиқатда ушлаб турилган вақт ушлаб туриш муддатига кирмайди.

Ҳужжатга асосан, Жиноят-процессуал кодексига “жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсни ушлаб туриш муддатини у ҳақиқатда ушланган вақтдан бошлаб ҳисоблаш” қоидасини киритиш назарда тутилди. Бу ушланган шахснинг ҳуқуқ ва эркинлигини ишончли ҳимоя қилади, унинг асоссиз ушлаб турилишининг олдини олади.

Фармондаги яна бир муҳим жиҳат — ушланган гумон қилинувчи ёки айбланувчининг қариндошларини процесс иштирокчиси сифатида жалб қилиш учун асослар мавжуд бўлмаган ҳолларда уларни ҳуқуқни муҳофаза этувчи органларга чақириш ва сўроқ қилиш тақиқланиши назарда тутилганлигидир. Бу қоида билан ушланган гумондор ёки айбланувчининг қариндошларини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга чақириш ва сўроққа жалб этишни тақиқлаш орқали ушланган гумон қилинувчи ёки айбланувчига руҳий ёхуд психологик босим ўтказилишига чек қўйилади.

Қайд этиш лозимки, амалдаги тартибга кўра, масалан, вақтинча сақлаш жойлари ва тергов ҳибсхоналарида сақланаётган гумон қилинувчи, айбланувчи ҳамда судланувчининг баданидаги доғларни, тирналган, шилинган, қонталаш жойларни топиш зарурати туғилганда гувоҳлантириш юқоридаги муассасалар тасарруфидаги тиббий муассасалар ходимлари томонидан ўтказилиши мумкин.

Фармонда назарда тутилган янги тартибга асосан эса терговга қадар текшириш ёки терговда ушланган шахсни ва озодликдан маҳрум қилиш жойларида жазони ўтаётган маҳкумни тиббий кўрикдан ўтказиш, шунингдек, вақтинча сақлаш жойлари ҳамда тергов ҳибсхоналарида сақланаётган гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини гувоҳлантириш уларнинг ёки адвокатнинг илтимосномасига асосан 24 соат ичида фақат вақтинча сақлаш жойлари, тергов ҳибсхоналари ёки жазони ижро этиш муассасалари тасарруфида бўлмаган тиббий муассасалар ходимлари томонидан ўтказилиши белгиланмоқда.

Ушбу янги ёндашув ҳам шахсга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган руҳий ва жисмоний босим, қийноққа солиш билан боғлиқ ҳолатларни аниқлаш имконини беради, шу билан бир қаторда, холисликни таъминлаш, процесс иштирокчиларининг турли шубҳалардан холи бўлишига, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза этувчи орган ходимларининг турли ғайриқонуний усулларни қўллашининг олдини олишга хизмат қилади.

**Хуршид КАРИМОВ,**
**Бош прокуратура Академияси кафедра бошлиғи.**

# МУРОЖААТЛАР ЎРГАНИЛДИ, ТАКЛИФ-МУЛОҲАЗАЛАР ЭШИТИЛДИ

*Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қ. Бурҳонов бошчилигидаги сенаторлар гуруҳи томонидан Сенати Раиси номига Сирдарё вилоятидан келиб тушган, Сардоба сув омбори тошқинидан зарар кўрган Оқолтин, Сардоба ва Мирзаобод туманларида яшовчи фуқароларнинг мурожаатлари жойига чиққан ҳолда, секторлар раҳбарлари, мутасадди ташкилотлар масъул ходимлари ҳамда ариза муаллифлари иштирокида ўрганилди.*

## Сенатор ва ҳаёт

Асл ҳолат жойида кўриб чиқилгач, мурожаатларнинг бир қисми ижобий ҳал қилинган бўлса, яна бир қисми юзасидан тушунтиришлар берилди. Яъни уй-жойлари сув тошқинидан зарар кўрмагани ҳолда, компенсация, маиший техника учун сертификат ва бошқа ёрдамлар сўраб ёзилган ариза эгаларига бу кўмаклар қай ҳолатларда тақдим қилиниши бўйича батафсил маълумотлар берилди. Аҳоли ўртасида бундай тушунмовчиликларнинг келиб чиқишининг олдини олиш юзасидан ҳуқуқий тарғибот ишларини кучайтиришга келишиб олинди.

Шунингдек, тадбиркорлик, таълим, тиббиёт ва бошқа йўналишлардаги кўтарилган масалалар ҳам жойида ҳал қилинди. Жумладан, Оқолтин туманида истиқомат қилувчи Гулнора Қодирова бола парвариши бўйича нафақа пулини олишда ёрдам сўраган. Оқолтин тумани бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан унинг оилавий шароити ўрганилиб, масала ижобий ҳал этилди.

Муқаддас Ҳайитова 2018 йилда паррандачиликни ривожлантириш мақсадида “Агробанк” АТБ Оқолтин тумани филиалидан 8,5 миллион сўм кредит олган. Аммо Сардоба сув омбори тошқини оқибатида паррандалари нобуд бўлган. Шу ва бугунги пандемия шароитида ўз вақтида тўлаш имконияти йўқлиги натижасида кредит тўлови муддатини узайтириш юзасидан мурожаат қилган. Сенатор аралашуви билан кредитни қайтариш жадвали олти ойга узайтирилди.

М. Бободўстова эса фарзандининг оёқ суякларида касаллик борлиги ва унга кўмак зарурлигини билдирди. Оқолтин тумани тиббиёт бирлашмаси томонидан унинг қизи тиббий кўрикдан ўтказилиб, физиотерапия муолажалари олиш учун вилоят шифохонасининг травматология бўлимига йўлланма берилди.

— Муаммоларим ижобий ҳал бўлди, — дейди Мирзаобод туманидаги Ҳақиқат маҳалласида яшовчи Ҳусниддин Кўзибеков. — Ёрдам сўраб қилган мурожаатимдаги барча масала ечимини топди. Энди эртанги кунимиздан кўнглимиз тўқ. Ҳаётимиз яна ўз изига тушмоқда. Давлатимизга раҳмат, сув тошқинидан зарар кўрган ҳудудлар бугун улкан қурилиш-таъмирлаш, ободонлаштириш туфайли аввалгидан кўра бутунлай ўзгача, замонавий қиёфага киряпти. Одамларнинг ҳар томонлама қулай ҳаёт шароитига эга бўлиши учун барча жиҳатлар эътиборга олинмоқда.

Дарҳақиқат, Сардоба сув тошқини оқибатларини бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан кўп квартирали уй-жойлар, ижтимоий соҳа объектлари, муҳандислик-транспорт коммуникация тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш, ирригация ҳамда мелиорация объектларини тиклаш учун қўшимча 1,5 триллион сўм миқдорида маблағ ажратилиши белгиланган.

Сенаторлар бу маблағдан самарали фойдаланиш ҳолати қай даражада эканлигига ҳам эътибор қаратди. Ишчи гуруҳ томонидан бу масала жойига бориб ўрганилганда, айрим ижтимоий соҳа объектларида бажарилган қурилиш-таъмирлаш ишларини молиялаштириш кечиктирилаётгани, бу эса қурилиш ташкилотларининг иш самарадорлигига ўз таъсирини кўрсатиб, эътирозларга сабаб бўлаётганлиги маълум бўлди.

Олий Мажлис Сенати ишчи гуруҳи назорати остида тегишли мутасаддилар томонидан бажарилган қурилиш-таъмирлаш ишлари учун пудрат корхоналарига кечиктирилган 6,5 миллиард сўмлик тўловлар амалга оширилди.

Тошқин оқибатида талафот кўрган Сардоба, Оқолтин ва Мирзаобод туманларида 2020-2021 йилларда қўшимча 10307 та янги иш ўрни яратиш мақсадида қиймати 2 миллиард 175 миллион сўм бўлган 323 та, шундан саноат соҳасида 96 та, хизмат кўрсатиш соҳасида 123 та ва қишлоқ хўжалиги соҳасида 104 та лойиҳани амалга ошириш белгиланган.

Жумладан, Сардоба туманидаги “Global Idea” МЧЖ томонидан умумий қиймати 14 миллиард сўм бўлган мева-сабзавот маҳсулотларини қуритиш лойиҳасини амалга ошириш орқали қўшимча 550 та янги иш ўрни яратилади. Мазкур лойиҳа шу йилнинг август ойи якунида ишга туширилиши белгиланган бўлса-да, тармоқ жадвалига мувофиқ Халқ банки томонидан 10 миллиард сўм кредит маблағи ажратилмай келинаётгани, шунингдек, Мирзаобод туманининг “Ҳақиқат” МФЙда жойлашган “Нуронийлар маскани” негизида бунёд этилаётган “Ёшлар меҳнат гузари” қурилиши молияси ҳамда қурилишда иштирок этаётган айрим қурувчиларнинг иш ҳақини беришдаги узилишларни бартараф этиш бўйича ҳам тегишли кўрсатмалар берилди.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# Ўзбекистон элчиси Озарбайжон Президентига ишонч ёрлиқларини топширди

*Ўзбекистон Республикасининг янги тайинланган Фавқулодда ва мухтор элчиси Баҳром Ашрафхонов бугун Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевга ишонч ёрлиқларини топширди.*

Расмий маросимдан кейин бўлиб ўтган суҳбат чоғида сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт, алоқа ва бошқа соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ҳамда ривожланиш истиқболлари муҳокама қилинди.

Озарбайжон раҳбари мамлакатларимиз ўртасидаги деярли барча соҳа ва йўналишларни қамраб олган муносабатлар изчил, жадал ривожланиб бораётганини юқори баҳолади. Буларнинг барчаси учун олий даражадаги яқин ва ишончли мулоқот ўрнатилганини таъкидлади.

Томонлар икки томонлама кун тартибидаги бошқа масалаларни ҳам муҳокама қилдилар.

**«Дунё» АА.**
Боку

ЭЪЛОН

**Андижон давлат тиббиёт институти**

**2020/2021 ўқув йилида қуйидаги магистратура мутахассислигига давлат гранти асосида қабул эълон қилади.**

Биотиббиёт технологиялари магистратура мутахассислиги Германиянинг Росток университети ва Андижон давлат тиббиёт институти билан ҳамкорликда биотиббиёт технологиялари магистратура мутахассислиги қўшма таълим дастурлари ва икки томонлама диплом бериш келишувига асосан "1+1" модели асосида ташкил этилди.

Биотехнология мутахассислиги бўйича бакалавр даражасига эга бўлган (тиббий биотехнология, молекуляр тиббиёт, биотиббиёт муҳандислиги) бакалавриат битирувчилари ушбу мутахассислик юзасидан танловда қатнашишлари мумкин.

**Абитуриентлар тақдим этиши зарур бўлган ҳужжатлар:**

— *институт ректори номига ариза;*
— *таянч олий маълумот ҳақида ҳужжатнинг асл нусхаси;*
— *086/У-шаклдаги тиббий маълумотнома;*
— *3,5 - 4,5 см. ҳажмдаги 6 та фотосурат;*
— *паспорт нусхаси (асли кўрсатилади).*

**Чет тилларидан инглиз ва немис тилларини билиш даражаси:**

**1.** Инглиз тили бўйича қуйидагилардан бири бўлиши керак:
— TOEFL (TOEFL iBT) учун камида 90 балл;
— IELTS: камида 6 балл;
— инглиз тилини мукаммал билганлик Кембриж сертификати (А ёки Б).

**2.** Немис тили бўйича: Германия академик алмашинув хизматидан (DAAD) умумий Европа координаталари тизими ва UNIcert тизимининг ваколат даражаларига мувофиқ сертификат: (C2/ UNIcert IV ёки C1).

**Мурожаат учун манзил:**
**Андижон шаҳри, Ю. Отабеков кўчаси, 1-уй.**
**Телефон: 74-223-94-50. @adtiqabul2020**

# ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ ЯНАДА ҚАДИМИЙ

1

Жумладан, Самарқанд, Бухоро, Термиз, Урганч ўша йўлларнинг чорраҳаларида жойлашган. Илм-фан намояндалари эса ана шу шаҳарларда қўним топган. Аҳоли орасида "Илмни Чинмочинга бориб бўлса ҳам ўрган", деган халқ мақоли бежиз пайдо бўлмаган.

Маълумки, йирик порт шаҳарларнинг иқтисодиёти минтақалараро савдога асосланади. Узундан-узун савдо йўллари орқали карвонлар қадим-дан Марказий Осиё шаҳарларидан Хитой, Ҳиндистон, Яқин ва Ўрта Шарқ, Марказий ҳамда Шарқий Европага, ҳатто Жанубий Сибир даштларигача кириб борган. У йўлларнинг аксарият кўпчилиги маъдан конлари, йирик ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ шаҳарлари билан боғлиқ бўлиб, бу йўллар қадим-қадимдан шакллана борган, улар тарихда нафақат савдо-сотиқ, балки диний ҳамда дунёвий зиё тарқатиш, мамлакатлараро дипломатик алоқаларни олиб бориш, ҳатто айғоқчилар учун тармоқ вазифаларини бажаргани тарихдан маълум.

Бу йўллар, айниқса, юртимиз оилалари фарзандларини 4-5 ёшидан хорижий тилларни ўрганишга, савдо карвонларига эргашиб, дунё кезишга етаклаган. Зотан, илм қидирган сайёҳларнинг исталган савдо карвонига эргашиб, дунё кезишларига имкониятлар кенг эди. Улар карвонга эргашиб, карвонбошининг ҳар қандай юмушини бажаришга тайёр арзон ишчи кучи, уларнинг илмлилари ҳатто карвонбошига беминнат маслаҳатчи ролини ўйнаган. Улар орасида ҳар хил касб эгалари бўлган. Карвонлар бир шаҳардан иккинчисига, учинчиси (ва ҳоказо)га жуда секин кириб бориб, бир карвонсаройда ойлаб, ҳатто, ундан ҳам кўпроқ қолиб кетишга тўғри келган. Бу тижорат сафарлари илм изловчилар учун ҳар бир шаҳарнинг уламолари билан танишиш, ўзларига тегишли устоз топишда қулай имконият бўлган.

Милоддан аввалги V асрда аждодларимизнинг узоқ Персуа давлатининг пойтахти Персополгача, Қадимги Мисрнинг Мемфис, ҳатто Нил дарёсининг юқори оқими Элефантина оролларигача кириб борганлиги маълум. Антик ва илк Ўрта асрларда ёзувчи ҳамда астрологлар, турли соҳа олимлари ва зиё тарқатувчилар, мусиқачи ҳамда раққосалар учун сайёҳлик янгилик бўлмаган. Марказий осиёлик минглаб мусиқачи ва раққосалар Хитой императорлари саройида хизмат қилган.

Антик ҳамда илк Ўрта асрларга хос бу анъаналар Ўрта асрларда янада кенгроқ миқёсда ривожланади. Араб тили жаҳон тили мақомини олади. Бу энди ислом цивилизацияси учун хизмат қилади.

Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг қўш тилли, яъни форсий-туркий тилли аҳолиси учун араб тилини ўрганиш анча енгил кечган. Биринчидан, бу ҳудудларнинг географик жойлашиши жиҳатидан араб мамлакатларига яқинлиги бўлса, иккинчидан, икки тилли, яъни туркий-эроний тилли халқларнинг этник қоришиши асосида туғилган зурриётларнинг соғлом бўлишини табиатнинг ўзи кафолатлаган. Зеро, соғ танда соғлом фикрнинг ривожланиши замонавий тиббиётда ҳам тасдиқланади.

Фундаментал ислом, мусулмон қадимчилиги мафкуравий таълим-тарбияда қанчалар юксак нуфузга кўтарилмасин, мусулмончилик ўз йўлида, илм-фан тараққиёти Марказий Осиёча йўналишда тараққий этди.

X аср араб ёзувчисининг ёзишича, "Бағдодда бирор олим ёки шоир йўққи, унинг Хоразмдан ўқувчиси, шогирди бўлмаса". Яна бир араб донишманди "Андалусиядан Бағдодга йўлга чиқишда шунинг гувоҳи бўлдимки, Бағдодда араб олимларининг сони ва илмий салоҳияти кўп бўлишига қарамай, марказий осиёликлар фаннинг турли йўналишлари ва фалсафий фикрлаш бобида араблар қуёшининг ботишига олиб келди", дейди. Немис олими Генрих Зутернинг тадқиқотлари туфайли Бағдод академиясида фаолият олиб борган олимлар рўйхати аниқланди. 515 дан ортиқ ушбу математик ҳамда астрономлар ўз асарларини араб тилида ёзганлиги сабабли фанда араб миллатига мансуб олимлар, деб келинди. Зутернинг қайд этишича, нисбаларига (туғилган жойларига) кўра, аслида уларнинг кўпчилиги марказий осиёликлардир.

Бағдодда математика, астрономия, табиий фанлар, шунингдек, фалсафа тушунчасига тегишли фанлар ҳақида гап кетганда, айтиш мумкинки, фанларнинг бу йўналишлари бўйича ҳам Хуросон ва Мовароуннаҳрдан чиққан мутафаккирлар илмий салоҳиятининг юксаклиги билан ажралиб турар эди. Бу борада уларнинг илмий техника асбобларини яратиш қобилиятининг юқори бўлганлигини ҳам қайд этиш лозим.

Масалан, минг йиллар давомида греклар томонидан кашф этилган астролябия Бағдод академиясида мукаммаллаштирилди. Аниқ ўлчовлар ёрдамида такомиллаштирилган, қуёш, ой, сайёралар ва юлдузларнинг жойлашиш ўринларини, қайси кенгликда ҳаракат қилиш йўналишларини олдиндан аниқлаб берувчи, тоғ чўққилари, қудуқлар чуқурлигини ҳисоблай оладиган асбобни араблар яратди, дейилди. Аслида унинг муаллифи Фазарий хуросонлик эди. Фазарий биринчи араб астролябиясини яратган, бу аппаратнинг математик ҳисоб-китобини бағдодлик араб Буттани ишлаб чиқди, деб юритилади. Аслида бу ҳисоб-китобларни Буттани эмас, балки марвлик Саганий ишлаб чиққан. Ас-Саганий Фазарий астролябиясининг ишлатиш доирасини кенгайтирди. Шу боис ушбу қурилма Ал-Аструлаби номи билан фанда ўз ўрнини топди.

Бағдодда хуросонлик Абу Сулаймон Сижистоний (932 — 1000) ҳар ҳафтада марказий осиёлик олимлар билан фалсафа, табиий ва ижтимоий фанлар муаммолари бўйича семинар ўтказган. Сижистоний ўз даврининг юксак маънавиятли "оҳанрабоси" бўлган. Ҳафтанинг ҳар жума куни кечқурун ватандош илм аҳлини ўз уйида тўплаган. Илмий семинар шунчалик мазмунли ҳамда чуқур илмий баҳслар билан ўтганки, унинг қатнашчиларидан бири Сижистоний сўзларини ва илмий баҳсларни ёзиб борган ҳамда олган янги маълумотлари асосида 500 саҳифалик китоб тайёрлаб, уни "Лаззатли илмий баҳслар ва зиёфатлар китоби" деб атаган.

Ас-Сижистоний Сейистон вилоятидан бўлиб, ўз юртида грек тилидаги манускриптлар билан танишган. Ёшлигидан математика, тиббиёт, мантиқ, мусиқа ва космология фанларини чуқур эгаллашга интилган. Илмий изланишлар орқали ҳақиқатни қидириш унга роҳат бағишлаган.

Ас-Сижистоний мустаҳкам иродали, қаноатли олим эди. Бир ёш олим олаётган ойлик ҳақининг кам эканлигидан норози бўлиб, "илмга ўзини бағишлаган олим молиявий етишмовчилик ташвишида бўлмаслиги керак", деганида, Сижистоний унга "бундай олимлар камроқ есинлар, ўз донишмандлигини яхши ишларга қаратсинлар", деб танбеҳ беради.

Бағдод академияси илмий йўналишлари кўп қиррали бўлиб, унинг таркибида табобат илми билан боғлиқ илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этган. Бағдод илмий марказида тиббиётнинг фундаментал асослари барпо этилган бўлиб, бу соҳада Бармакийлар хонадонининг ҳомийлиги ва ташаббуси катта бўлган.

Унинг ёрқин мисоли Абу Али ибн Сино бўлиб, "Тиб қонунлари" дунё тиббиёти энциклопедиясига айланди. Ибн Синонинг отаси асли балхлик бўлиб, Марвазийлар табобат мактабининг кўзга кўринган табибларидан эди. Марвазийлар мактаби ўз даврининг илм-фан ва таълим ўқув юртлари вазифасини ўтаган. Ибн Синонинг отаси Бағдодга кўчиб ўтиб, ислом динини қабул қилади. У сурёний ҳамда грек тилларини Марвда ўрганиб, сўнг Гундешапурга келган. Бағдодда ишлай бошлаган кезларда ҳар иккала тилни ҳам яхши билган ва тиб илмига оид манбаларни эркин ўқиб, араб тилида "Донишмандлар шодаси" деб аталган дастлабки энциклопедиясини тузишга киришган. Бу асарга кенгроқ китобхонларни жалб этиш мақсадида сурёний тилида "Донишмандлар боғи" асарини яратди ва унда жисмоний ҳамда руҳий касалликлар бир-бирлари билан боғлиқ эканлигини асослайди.

Антик ва илк Ўрта асрларда илмфанга қизиқиш марказий осиёликларнинг ҳаёт мазмунига айланган. Масалан, Будда диншунослигида машҳур уламолардан бири Гхошака исмли балхлик монах будпарастларнинг Кашмирда уюштирилган тўртинчи қурултойида қатнашиб, катта ҳурмат ҳамда эътироф билан қайтган. У тарбия топган Балх илмий мактаби ҳаётда кўпроқ реалликни ёқларди.

Академик Б. Литвинский келтирган маълумотда Будда матнларини хитой тилига таржима қилиш билан шуғулланган пешқадам таржимон монахлар орасида 6 та ҳинд, 7 та хитойлик, 16 та марказий осиёлик монахлар бўлганлиги таъкидланади. Яна бир мисол: Чи Чиэн (Хитой манбаларидан бизга шу ном билан келган) турли диний оқимларни шарҳлашда машҳур олим, 6 хил тил, жумладан, грек, лотин, ҳинд, суғд тилларини яхши эгаллаган парфиялик монах бўлган. Антик давр олимларининг китобларини хитой тилига таржима қилиш билан шуғулланган.

Яна бир суғдиёналик монах, хитой манбаларидан Кан Серн-Ҳуэй номи билан бизга етиб келган. Юнон астрология ва астрономиясига оид китобларнинг хитой тилига таржимаси ҳамда илмий таҳрири билан шуғулланган. Термизлик Жармамитра монахлик диний жамоаларининг ҳаётига бағишланган "Виная сутра" асарига шарҳ битган ва ўзи ҳам будда динига оид китоблар ёзиб, машҳур олим бўлиб танилган. Балхлик машҳур буддашунос олим Гхошака "Абхидҳаммапитака" асарига, яъни одамни жисмоний ва руҳий бошқаришнинг принциплари ҳақидаги китобга кенг шарҳ ёзган. Будда ғояларини пухта эгаллашда ном чиқарган парфиялик шаҳзода Ань Ши Као отаси ўлимидан кейин тахтга ўтиришдан воз кечиб, будда динининг монахлигини ўзига касб қилиб, бу динни тарғиб этиш мақсадида милодий 148 йилда Хитойга кетган. Хитой пойтахтида тарғибот билан шуғулланиб, буддизм ҳақида китоб ёзган. Яна бир парфиялик шаҳзода Хитойга кетиб тарғиботчилик билан шуғулланган ва хитойча Ань Фагинь номи остида бир неча китоблар ёзган.

Балхда Бармакийлар йирик Будда монастири ҳамда унинг қошида илмий марказ ташкил этиб, янги Виҳарани бунёд этадилар. Илмий марказ ихтиёрида жуда бой кутубхона ташкил этилиб, ҳинду тили илмий асарлари таржимаси билан шуғулланиш иши йўлга қўйилади. Таржимонлар ва илм аҳли моддий жиҳатдан таъминланади.

Бағдод академиясининг Аббосийлар даври кўҳна тарихнинг кўп жиҳатларини қайта баҳолай бошлади, яъни IX — XII асрлар тарихи араб фанининг "олтин асри" деб номланди. Туркий ва форсий тилли халқларнинг илмий анъаналари араблар устунлигида қўлни қўлга бериб ишлай бошлаган даврдан бошланди, деган фикрлар пайдо бўлди. Бироқ кўп тадқиқотчилар араб фанининг "олтин асри"га марказий осиёлик олимлар илмий салоҳиятининг таъсири туфайли эришилди, деган хулосага келадилар. Ушбу фикрлар ҳали фанда ўз тасдиғини топганича йўқ.

Энг муҳими шундаки, ҳозирча ҳеч ким бу мавзуда махсус тадқиқот олиб бормаган. Диний бағрикенглик фонида бу даврнинг интеллектуал ривожланиши, асосан, исломий характерда кечди деб баҳоланиб, бошқа диний анъаналар ва диний оқимларнинг радикал атеизми ҳамда скептизмига кам эътибор берилади. Умуман, анъанавий жаҳон тарихшунослигида Аббосийлар даври араб мутафаккирларининг буюк ютуқлари (кашфиётлари)ни, асосан, классик юнон текстларининг таржимасидан иборат, деб баҳоланади. Европа асрлар давомида шундай хулосани қабул қилиб келди ва ундан ўз Уйғониш даврини бошлашда фойдаланди.

Шундай пайтда Ғарб ёзувчилари, европаликлар ҳамда Ўрта Ер денгизи араблари асарларида Марказий Осиёнинг ислом оламидаги ва халифат тарихидаги ролини камситиб кўрсатиш авж олган. Аммо ислом оламидаги илм-фаннинг тараққиёти Ўрта Ер денгизидан Бағдодга, ундан Марказий Осиёга кириб келган илмий салоҳият асосида эмас, балки Марказий Осиёда чуқур илдиз отган илмий салоҳият туфайли ривожланди. Бу Умавий халифаларининг тарих майдонидан кетиши ва Аббосийларнинг ҳокимиятга келишида ҳам кўзга яққол ташланади.

Масалан, сиёсатшунос олим Ф. Старрнинг қайд этишича, илм-фан халифалик даврида араб тилида олиб борилишига қарамай, Марказий Осиёнинг арабларга маданий таъсири анъанавий Греция цивилизациясининг Римга таъсиридан фарқ қиларди. Юнонлар Римнинг маданий ҳаётини шакллантирди, аммо араблар Марказий Осиёни на ҳарбий соҳада, на иқтисодда назорат қила олди. Олим Марказий Осиё аҳолиси халифалик даврида интеллектуал ҳаётда, ҳарбий ва савдода ҳам арабларга устунликни бермади, деган тўғри хулосага келади.

Ҳақиқатан ҳам, профессор Ф. Старр ҳақли эди. Чунки халифа Ал-Мансур араблар орасида исломнинг гуллабяшнаши учун унга ёрдам қўлини чўза оладиган тиниқ фикрли устозни топа олмади. Бағдодни қуриш учун ҳатто жой танлашни марвлик астролог, Сурия христианлар мактабининг типик вакилларидан бири, кўплаб христиан манбаларини юнон тилидан форс тилига таржима қилишда машҳур Навбахт Авваз Форсийга топширади. Шаҳар режасини тузишни эса бошқа бир хуросонлик Холид ибн Бармак зиммасига юклайди.

Холид ибн Бармак эса янги Бағдод шаҳрининг қурилиш ишларига хуросонлик муҳандис ва ҳунармандларни тортади. Холид ибн Бармак келиб чиқиши жиҳатидан балхлик бўлиб, будда динидан ислом динига ўтган маҳаллий аслзодалардан бўлган.

Янги Бағдодни барпо этиш режасининг заминида Марказий Осиё қурилиш анъаналари ўз аксини топган. Масалан, доира шаклидаги марказий бинолар қоқ ўртасида Жоме масжиди эмас, балки халифанинг шоҳона саройи жойлашган бўлиб, кўк гумбаз



чўққисида ислом байроғи эмас, балки қўлида камон тутган суворий ҳайкали акс этарди.

Ал-Мансурнинг "Думалоқ шаҳри" аслида оддий шаҳар эмас, балки амалда Марвнинг Эрк Қалъа "Сарой комплекси ва бошқарув маркази" сифатида қурилди. Бу режа аслида Бармакийларнинг Балхдаги Навбаҳор будда марказининг бир неча бор катталаштирилган нусхаси эди.

Навбаҳор будда марказининг ибодатхона ступаси чўққисида Бармакийлар байроғи ҳилпираб турса, Бағдод марказий сарой биноси кўк гумбази чўққисида камонли суворийнинг ҳайкали жавлон уриб тургани акс эттирилган эди. Бу манзара Холид ибн Бармак ғояси бўлиб, у Аббосийлар исломи диний эркинликда Марказий Осиё ғоявий таъсирида эканлигига ишора эди.

Бармакийлар Бағдодда бош вазир, халифа маслаҳатчиси вазифаларида бўлиб, бутун халифаликни бошқардилар. Бармакийларнинг ҳокимият билан алоқаси уларнинг ҳаддан ташқари бойиб кетишига олиб келди. Яҳё ўзи учун соф олтин ғиштлардан ётоқхона қурдирди, Бармакий Жафар ўз саройи учун 20 миллион олтин танга қимматида пул сарфлади. Бу ҳолатлар "Минг бир кеча" достонидаги "Бармакийлар айш-ишрати" ҳикоясининг пайдо бўлишига олиб келди.

Бармакийларнинг этник келиб чиқиши форсий ва туркий қоришма асосида шаклланган этнос вакиллари бўлиб, уларнинг зурриётлари Яҳё, Жафар ҳамда Фадл Бағдодда янги фалсафий фикрлар, математика, астрономия ва табобат фанларининг илғор намояндалари бўлган.

Шундай қилиб, Балх шаҳрининг собиқ буддистлари, айниқса, Яҳё даврида санскритдан форсийга таржима қилувчилар асосий мутахассисларга айланадилар. Таржима қилинган ишлар рўйхатида бир неча астрономия ва табобатга оидлари бўлиб, Бармакийлар улардан касалларни даволашда кенг фойдаланади.

Демак, грек матнларини араб тилига таржима қилиш диний мақсадларни кўзда тутмаган, аксинча, улардан халқ табобати, амалий ишларни ривожлантириш кўзланган. Антик давр интеллектуал кучлари "Қадимги одамлар фалсафани инсоният ҳаётининг тафаккур олами, моддийлик асосида ривожланишининг умумлаштирувчи кўзгусидир", деб баҳолай бошлайдилар.

Христианлар динни мўъжизалар яратувчи илоҳ сифатида тасаввур этса, мусулмонлар илоҳ мўъжизаларнинг бошқарувчисидир, деб ташвиқот олиб борадилар. Дастлаб христианлар ҳам, мусулмонлар ҳам фалсафани динга илова сифатида эмас, балки динга муқобил оқим сифатида кўрганлар. Бундай қараш жуда секин ривожланди. Шу боис бундай қараш Марказий Осиё мусулмонларини безовта қилмади.

Қачонки бундай қараш Марказий Осиё мусулмончилигида қатъий ўрин олгач, нафақат фалсафанинг классик анъаналарида, ҳатто юнонча фалсафий дунёқарашларда ҳам сўниш бошланди. Бу ҳолат Бармакийлар фаолиятини китоб савдосига қаратишга олиб келди. Бармакийлар ҳатто Бағдодда биринчи қоғоз фабрикасини очдилар. Улар ишлаб чиқарган нафис қоғоз турининг бир навини Бармакийлар уруғи номи билан аташгача борадилар. Китобга бўлган талаб ортиб, улардан нусха кўчирувчиларга талаб кучайди. Тез орада Бағдодда китоб дўконлари кўпайди, ҳатто китоб аукционлари очилиб, Бағдод китоб нашр этиш ва сотиш марказига айланди.

Маъмун илм-фан йўлида Марвда "Донишмандлар уйи"ни ташкил этади, унга Марказий Осиёнинг таниқли олимлари, таржимонлари ва рассомларини жалб этади, уларнинг илмфаннинг назарий ҳамда амалий тажрибалари билан эркин шуғулланишларига ғамхўрлик ва ҳомийлик қилади. Ҳатто ҳар бир шаҳар ҳамда қишлоқ аслзодаларининг иқтидорли фарзандларини Марвга йиғиб, "Донишмандлар уйи" қошида мактаб ташкил этди, уларни "Донишмандлар уйи" олимларига боғлаб, "Устоз — шогирд" анъанасини ривожлантирди. Оқибатда "Донишмандлар уйи" ва унинг мактаби Бағдодда ташкил этилган Маъмун академиясининг асосий илмий салоҳиятини намоён қилди.

Баъзи тадқиқотчилар бу университет ёки академия бўлган эди, дейдилар. Бу ҳақда ёзма манбаларда аниқ маълумот учрамайди. Тарихда унинг бевосита ижрочи раҳбари, академия аъзоларининг рўйхати, биноси ва мунтазам йиғилишлар ўтказилганлиги ҳақида ҳам ҳанузгача маълумотлар топилмаган. Лекин норасмий Бағдод кутубхонасида тўпланиб турадиган олимлар гуруҳи бўлганки, уларни Ал-Маъмун ҳимоя қилган. "Донишмандлар уйи"да бўлиб турадиган ижодий баҳс ҳамда мунозаралар Ал-Маъмун даврида янада авж олган, донишмандлар мулоқоти шахсан Маъмун томонидан ҳимоя қилинган ва ҳомийлик назоратида бўлган, деган тўғри хулосага келади.

Демак, Бағдод Маъмун академияси илмий салоҳиятининг аксарият кўпчилигини марказий осиёлик олимлар, таржимонлар ташкил этган, унинг бой кутубхонаси эса Балх-Марвдан келтирилган ноёб китоблар ва қўлёзмалар ҳисобига бойиган. Масалан, кутубхонанинг биринчи мудири Марв астрологининг ўғли Фадл ибн Навбахт бўлган. Фадл ибн Навбахт отаси изидан бориб, нафақат астролог олим, балки қўлёзмаларни грек тилидан форс тилига таржима қилишда ҳам ёрқин из қолдирган машҳур таржимон бўлган.

Яна бир олим Аҳмад ибн Мусо "Ажойиб қурилишлар ҳақида китоб"ида 100 га яқин механик ўйинчоқлар ва уларнинг автоматик тузилиши ҳақида кашфиёт қилади. Бу олимлар эътиборини ўзига тортган кашфиёт шунчалар дадил ва мураккаб қурилмаларга эга эканки, уни Леонардо да Винчи китобидаги хомаки фантазиялар билан қиёслайдилар.

Аҳмад ибн Мусонинг иссиқ буғ ёрдамида ҳаракатга келтирувчи механик трубаси (найи) машинанинг дастур асосида юргизувчи қисми бўлиб, бу ўзгарувчан цилиндрларнинг бевосита ишлашини таъминлайди.

Олимнинг ҳар иккала қурилмаси шундай оламшумул ихтиро эдики, ана шу кашфиётдан минг йил ўтгач, унда кўтарилган ғоялар асосида жаккард тўқувчилик станоги, механик фортепиано ва ниҳоят, перфокарт ёрдамида ишловчи компьютернинг кашф этилишига олиб келди. Ака-ука Мусолар шахта ҳамда қудуқларда ҳавони тозаловчи грейферний экскаватор, керосин лампаси, автоматик иссиқлик берувчи лампа ишлаб чиқарувчи оригинал ғояларни кўтардилар. Ўз даврида Аҳмад ибн Мусонинг кашфиётлари бутун мусулмон оламида ўз ўқувчиларини топса-да, аммо бу кашфиётлар билан боғлиқ ғоялар Ғарбга ёйилмади.

Шунга ўхшаш механика қурилмаларини мустақил равишда XI асрда Андалусия ҳунарманди Ал-Муроди ишлаб чиқди. Икки аср ўтгач, андалусиялик курд Ал-Жазарий янада мураккаброқ механика қурилмалари йиғмасини яратдики, унинг бу кашфиёти ҳозирги замон муҳандисларининг ҳам бошини қотирмоқда. Ал-Жазарий кашфиётининг Аҳмад ибн Мусо кашфиётидан фарқи шундаки, Жазарийнинг ўзи моҳир мусаввир бўлиб, қурилма чизмаларини жуда аниқ чизган. Андалусиялик олимлар — Муради ва Жазарий Аҳмад ибн Мусо илҳом руҳини мукаммал ўзларига сингдириб, ўз қурилмаларини яратганликларини эътироф этганликларини ҳам таъкидлаш лозим.

Бундай кашфиётлар эса ўз-ўзидан бўлмайди. Уларнинг илмий изланувчилари бўлган. Улар она қорнидан билимдон бўлиб туғилмаган. Буларнинг замирида индивидуал илмий мактаблар, "Устоз — шогирд" анъанаси, Самарқанд, Бухоро, Термиз, Балх, Урганч, Марв каби илмий мактаблар, кутубхоналар, тажриба лабораториялари, мадраса ва "Донишмандлар уйи" каби илм-фан ҳамда таълим марказлари бўлганки, уларнинг аксарияти Қутайба ибн Муслим даврида вайрон этилди, ноёб китоблар ва қўлёзмалар шаҳар майдонлари, маҳалла гузарларида ёқиб юборилди. Исломий илмга зид қарашдаги донишмандлар ўлдирилди ёки баъзилари ўз она юртларини ташлаб кетиб, ватангадо бўлди. Булар ҳақида Абу Райҳон Берунийнинг айтган сўзлари, бизга қолдирган маълумотлари тарихий ҳақиқатдир.

Хулоса шуки, Ватанимиз ҳудудида камолга етган алломалар меросини ўрганиш, илм-фан марказларини тадқиқ этиш натижасида қўлга киритилган ютуқлар, эгалланган билимлар халқимизнинг миллий ғурурини юксалтирибгина қолмай, мамлакатимиз тараққиётида асқатишига ишонамиз.

**Аҳмадали АСҚАРОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби,**
**Беруний номидаги Давлат мукофоти совриндори,**
**академик.**

---

## Диққат, танлов!

# «ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, "Ўзбеккино" Миллий агентлиги, Ўзбекистон Бадиий академияси, "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган **"ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ"** анъанавий кўрик-танловини эълон қилади.

Танловга **"Сен — қудрат манбаи, саодат маскани, жонажон Ўзбекистоним!"** деган бош ғояни ўзида мужассам этган ва 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" Давлат дастури доирасида мамлакатимизни ҳар томонлама обод қилиш, унинг иқтисодий қудратини кучайтириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларни, Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятидаги нуфузи ва обрўси ошиб бораётгани, пандемия шароитида ҳам давлат ва жамият ҳаётидаги ўзгаришлар изчил давом этаётганини ҳаётий мисоллар ва илмий асосланган таҳлиллар асосида холис ва ҳаққоний ёритувчи ижодий асарлар қабул қилинади.

**«Энг улуғ, энг азиз» анъанавий кўрик-танлови қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:**

- **ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари;**
- **босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари;**
- **оммавий ахборот воситаси сифатида рўйхатга олинган веб-сайтлардаги интернет-журналистика материаллари;**
- **телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари;**
- **тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн ишлари;**
- **кино санъати асарлари.**

Шунингдек, танлов доирасида Мустақиллик декларацияси қабул қилинганининг ўттиз йиллиги муносабати билан босма ОАВ, веб-сайт, телеканал ва радиоканаллар ижодкорлари учун ҳар бир йўналиш бўйича биттадан **"Энг яхши журналистик материал учун"** рағбатлантирувчи номинация жорий этилмоқда.

Кўрик-танловга 2019 йилнинг 15 августидан 2020 йилнинг 15 августигача бўлган даврда расман чоп этилган адабий-бадиий асарлар, газета-журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, радио ва телеканалларда эфирга узатилган материаллар, намойиш этилган тасвирий санъат ва кино санъати асарлари жорий йилнинг 10 сентябрига қадар қабул қилинади.

Кўрик-танлов ғолиблари 2020 йил сентябрь ойида тақдирланадилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Коронавирус пандемияси сабабли карантин қоидаларидан келиб чиқиб, танловга юбориладиган ижодий ишлар онлайн шаклда қабул қилинади.

Иштирокчилар (муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот; паспорт нусхаси; манзил ва боғланиш телефонларини илова қилган ҳолда) ўз ижодий ишларини **"Энг улуғ, энг азиз" кўрик-танловига** ҳамда **"Энг яхши журналистик материал учун" номинациясига** деб (номинация йўналишини) кўрсатган ҳолда қуйидаги шакл ва форматларда tanlov2020@aimc.uz электрон почтасига ёки @tanlov2020 телеграм манзилига юборишлари лозим:

- **ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари, босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари pdf форматда;**
- **оммавий ахборот воситаси сифатида рўйхатга олинган веб-сайтлардаги интернет-журналистика материаллари ҳаволалар (ссылка) кўрсатилган ҳолда;**
- **тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн ишлари JPG форматда;**
- **кино санъати асарлари AVI форматда google disk, yandex disk ёки бошқа виртуал ресурсларга юкланиб, ҳаволаси юборилади (мазкур ҳавола 30 кун давомида ишлаб туриши зарур);**
- **телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари mp3 ҳамда AVI форматда google disk, yandex disk ёки бошқа виртуал ресурсларга юкланиб, ҳаволаси юборилади (мазкур ҳавола 30 кун давомида ишлаб туриши зарур).**

**Эслатма:** ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари битта китобдан, кино санъати асарлари битта тўлиқ метражли киноасардан, босма ва электрон оммавий ахборот воситалари ходимларининг материаллари, тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн ишлари учтадан кам бўлмаслиги лозим.

Қўшимча маълумот олиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг 71-244-32-33 телефон рақамига мурожаат қилиниши мумкин.

**ЎзА.**

---

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази жамоаси Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро шартномаларни имплементация қилиш бўлими мудири, юридик фанлар номзоди, доцент

**Абдулхай МЎМИНОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

---

Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси жамоаси Қашқадарё вилояти ҳокимининг фахрийлар ва кексалар бўйича маслаҳатчиси Январ Иноятовга турмуш ўртоғи

**Зулфия ИНОЯТОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 856. 31 961 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Шеркулов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.45 Топширилди — 22.40 1 2 3 4 5 6